



Бош илмий-методик  
марказ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ



# “ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ- ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЯНГИ БОҚИЧИНИНГ АСОСИ”

## МОДУЛИ БЎЙИЧА ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА

Б.Ғаниев ФарДУ, Фуқаролик  
жамият кафедраси мудири,  
доцент, ф.ф.б.ф.д. (PhD)

2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди ва ФарДУ Илмий кенгашининг 2020 йил «28» декабрдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган.

**Тузувчи:**

**Б.Ғаниев ФарДУ, Фуқаролик жамият кафедраси мудир, доцент, ф.ф.б.ф.д. (PhD)**

**Такризчилар:**

**Н.Ҳакимов Тошкент Иқтисодиёт университети профессорИ, фалсафа фанлари доктори**

**Г.Рўзиева Ўзбекистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори**

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>17</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР.....</b>	<b>19</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАЪЛУМОТЛАР.....</b>	<b>95</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>104</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>106</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>111</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **КИРИШ**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ўзбекистонда янги жамиятни ривожлантириш ислохотлари жараёнида жаҳондаги турли мамлакатларда фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши турли даражада ва даврларда амалга оширилганлигининг назарий ва амалий жиҳатларини, замонавий концепцияларини, тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, фуқаролик жамиятининг бу ижобий жиҳатлари (тамойиллари ва белгиларини) синалган тажриба сифатида ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда фуқаролик жамияти қуришда эътиборга олишга имкон беради. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамияти фанини олий таълим тизимида ўқитиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда **“Ҳаракатлар стратегияси - Ўзбекистон Миллий тараққиёти янги босқичининг асоси”** модули айнан Олий таълим тизимида “Фуқаролик жамияти”, “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” “Миллий ғоя. Фуқаролик жамияти” фанларидан дарс берадиган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга мулжалланган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Харакатлар стратегияси - Ўзбекистон Миллий тараққиёти янги босқичининг асоси” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси мутахассислик фанлари блокидаги асосий модуллардан бири бўлиб, унда фуқаролик жамияти тўғрисидаги замонавий концепсиялар, эришилган ютуқлар, истиқболдаги вазифаларни, “Харакатлар стратегияси” асосий йўналишларининг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш ва уни ўқитиш соҳасидаги тажрибаларни умумлаштириш, мавжуд муаммолар, уларнинг ечимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган.

### **Модулнинг вазифалари:**

- Замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик
- Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоя, назария, ёндошув ва замонавий концепсияларининг, асосий йўналишлари тўғрисида тушунчалар бериш;
- олий таълим муассалари педагог кадрларини Фуқаролик жамияти куриш соҳасидаги янги ғоя, ёндошувлар ва эришилган янгиликлар билан таништириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Харакатлар стратегияси - Ўзбекистон Миллий тараққиёти янги босқичининг асоси”** курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

#### **Тингловчи:**

- фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоя ва назариялар эволюциясининг асосий йўналишларини
- фуқаролик жамияти замонавий концепсияларининг мазмун моҳиятини;
- Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиши бўйича жаҳон ҳамжамиятидаги эришилган ютуқларни;
- янги инновацион, педагогик технологияларни ва уларнинг халқаро қиёсий таҳлилин;
- Ўзбекистонда фуқаролик жамияти соҳасига оид янги назарий қарашлар ва концепцияларни, илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилишни;
- Ўзбекистонда фуқаролик жамияти соҳасига оид назарий ва амалий масалаларини ечиши, янги технологияларни ва дастурлар пакетларини қўллашни;

- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқишни **билиши зарур**;

**Тингловчи:**

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- янги педагогик технологияларни қўллаш;
- фуқаролик жамияти соҳасида ахборот технологиялари ёрдамида мустақил равишда янги билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши ҳамда улардан амалий фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиш;
- янги ғояларни яратиш ва илмий-тадқиқот ишларини мустақил олиб бориш қобилиятига ҳамда илмий жамоада ишлаш **кўникмаларга эга бўлиши керак**:

**Тингловчи:**

- тингловчиларни ўзига жалб қилган ҳолда янги педагогик технологиялар асосида фанни тушунтириш;
- фуқаролик жамиятини қуриш соҳаси бўйича фаолиятнинг илмий, ижтимоий-сиёсий соҳаларида фаол иштирок этиш;
- соҳа бўйича жаҳон тажрибаларини таҳлил қилиш учун хорижий тиллардан бирида эркин сўзлашув **малакаларга эга бўлиши керак**:

**Тингловчи:**

- замонавий ва инновацион таълим муҳитини бошқариш;
- фуқаролик жамияти бўйича замонавий ва инновацион таълим технологияларига асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;
- фуқаролик жамияти соҳаси бўйича тингловчиларнинг изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Харакатлар стратегияси - Ўзбекистон Миллий тараққиёти янги босқичининг асоси”** модули материаллари билан курс тингловчиларини таништириш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, компьютер технологиялари, интернет тармоғидан олинган янгиликларни қўллаш усулидан фойдаланилади. Маъруза дарсларида презентация усулида, амалий машғулотларда ақлий хужум, Хулосалаш методи, SWOT таҳлили каби усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Амалий машғулотларда соҳадаги янгиликлар билан танишиш, улардан таълим муассасасида мутахассисларга билим беришда фойдаланиш кўзда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

**“Харакатлар стратегияси - Ўзбекистон Миллий тараққиёти янги босқичининг асоси”** модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади. Бунда модулнинг бакалавр босқичи 1 блок фанларининг боғлиқлиги эътиборга олинади.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

**“Харакатлар стратегияси - Ўзбекистон Миллий тараққиёти янги босқичининг асоси”** модулини ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишдаги технологик ёндошув асосларини, бу борадаги илғор тажриба ва янгиликларни ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий ютуқларга эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жумладан				
			жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	“Ривожланиш”, “стратегия”, “концепция” ва “инновацион ривожланиш” тушунчаларининг мазмуни ҳамда турли хил ёндошувлар	4	4	2	2		
2.	Тараққиётнинг инновацион модели	4	4	2	2		
3.	Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг илмий-методологик асослари ва устувор йўналишлари	4	4	2	2		
4.	“Буюк келажак дастури”нинг мазмун-моҳияти	6	6	4	2		
5.	“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” концептуал ғоялар - Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислохотларни ҳаётга тадбиқ этишининг асоси	8	8	4	4		
<b>Жами:</b>		<b>26</b>	<b>26</b>	<b>14</b>	<b>12</b>		



## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: “Ривожланиш”, “стратегия”, “концепция” ва “инновацион ривожланиш” тушунчаларининг мазмуни ҳамда турли хил ёндошувлар**

#### **Режа:**

1. “Ривожланиш”, “стратегия”, “концепция” тушунчаларининг мазмун-моҳияти. “Инновацион ривожланиш” тушунчасининг мазмуни ва ҳозирги кундаги аҳамияти.

2. Фуқаролик жамияти кўришда инновацион ёндашувларнинг ўрни. Фуқаролик жамияти қуришнинг жаҳон тажрибасида илғор ёндашувлар ва ўзига хос жиҳатлари.

3. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда жаҳон тажрибасини ўрганилганлиги.

### **2-мавзу: Тараққиётнинг инновацион модели**

#### **Режа:**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ш.М.Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, 2017 йил 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, жамоатчилик муҳокамаси.

2. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида жамиятни ривожлантиришнинг инновацион услуб ва ёндашувлар.

3. Мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда инновацион, илғор усул, ҳамда воситалардан фойдаланиш. Жаҳон тажрибасидаги тараққиётнинг илғор инновацион моделлар таҳлили.

### **3-Мавзу: Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг илмий-методологик асослари ва устувор йўналишлари**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг илмий-методологик асослари ва устувор йўналишлари. Янги тараққиёт босқичида фуқаролик жамиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар.

2. Ўзбекистонни янада ривожлантириш стратегиясининг асосий мақсади ва йўналишлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада

ривожлантириш бўйича узоқ истиқболга қаратилган стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари.

3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини юксалтириш истиқболлари.

#### **4-мавзу: “Буюк келажак дастури”нинг мазмун-моҳияти**

##### **Режа:**

1. Ўзбекистонни янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар. Янги тараққиёт босқичида мамалакатимизни ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларни юксалтириш борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар.

2. Ўзбекистонни ривожланишининг “Буюк келажак дастури”. Янги тараққиёт босқичида “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” ғоясини илгари сурилиши.

3. Миллий юксалиш сари амалга оширилаётган ишлар ва истиқболлар.

#### **5-мавзу: “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” концептуал ғоялар - Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асоси**

##### **Режа:**

1. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” шиорининг мазмун-моҳияти. “Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” мазмундаги олиб борилаётган давлат сиёсати. “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” концептуал ғоянинг амалга оширилиши Ўзбекистон тараққиётининг кафолати.

2. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий йўналишлари.

3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва адолатли жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар йўналишлари ва аҳамияти.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-мавзу: “Ривожланиш”, “стратегия”, “концепция” ва “инновацион ривожланиш” тушунчаларининг мазмуни ҳамда турли хил ёндошувлар**

“Ривожланиш”, “стратегия”, “концепция” тушунчаларининг мазмун-моҳияти. “Инновацион ривожланиш” тушунчасининг мазмуни ва ҳозирги кундаги аҳамияти. Фуқаролик жамияти кўришда инновацион ёндашувларнинг ўрни. Фуқаролик жамияти қуришнинг жаҳон тажрибасида илғор ёндашувлар ва ўзига хос жиҳатлари. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда жаҳон тажрибасини ўрганилганлиги.

### **2-мавзу: Тараққиётнинг инновацион модели**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ш.М.Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, 2017 йил 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, жамоатчилик муҳокамаси. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида жамиятни ривожлантиришнинг инновацион услуб ва ёндашувлар. Мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда инновацион, илғор усул, ҳамда воситалардан фойдаланиш. Жаҳон тажрибасидаги тараққиётнинг илғор инновацион моделлар таҳлили.

### **3-Мавзу: Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг илмий-методологик асослари ва устувор йўналишлари**

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг илмий-методологик асослари ва устувор йўналишлари. Янги тараққиёт босқичида фуқаролик жамиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар. Ўзбекистонни янада ривожлантириш стратегиясининг асосий мақсади ва йўналишлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича узок истиқболга қаратилган стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини юксалтириш истиқболлари.

### **4-мавзу: “Буюк келажак дастури”нинг мазмун-моҳияти**

Ўзбекистонни янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар. Янги тараққиёт босқичида мамлакатимизни ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларни юксалтириш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар. Ўзбекистонни ривожланишининг “Буюк келажак дастури”. Янги

тараққиёт босқичида “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” ғоясини илғари сурилиши. Миллий юксалиш сари амалга оширилаётган ишлар ва истиқболлар.

**5-мавзу: “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” концептуал ғоялар - Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислохотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асоси**

“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” шиорининг мазмун-моҳияти. “Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” мазмундаги олиб борилаётган давлат сиёсати. “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” концептуал ғоянинг амалга оширилиши Ўзбекистон тараққиётининг кафолати. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислохотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва адолатли жамият куриш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар йўналишлари ва аҳамияти.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фақат фақат бундан бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

18. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
19. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
20. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
21. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
22. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
23. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
24. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
25. Борис Капустин Гражданство и гражданское общество. – М.: “Высшая школа экономики”. 2011. – 224 с.
26. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
27. Д.Дж.Грин Возвращение в гражданское общество: социальное обеспечение без участия государства. – М.: “Новое издательство”. 2008, – 220 с.
28. Джим Л. Коэн, Эндрю Арато Гражданское общество и политическая теория. – М.: “Весь мир”, 2011. – 784 с.

29. Джон Кин Демократия и гражданское общество. – М.: “Прогресс - Традиция”, 2001. – 400 с.

30. Ж.Мавлонов Коммуникативные основы деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации (Монография) - Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. 12 б.т.

31. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktriya press, 2015.

32. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

33. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

34. Ли Кан Ю Из третьего мира - в первый. История Сингапура. 1965-2000. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2016. – 420 с.

35. М.Бекмуродов ва бошқ. Харакатлар стратегияси асосида жадал таракқиёт ва янгиланиш сари, – Т.: “Ғофур Ғулом НМИУ”. 2017, - 236 б.

36. Мохаммад Хотами Ислам, диалог и гражданское общество. – М.: “РОССПЭН”. 2001. – 242 с.

37. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услубий қўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.

38. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

39. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО «УрФУ им. первого Президента России Б.Н.Ельцина», Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.  
[http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)

40. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида.  
[https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)

41. Р.Хасанов, А.Ўтамуродов Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (Ўқув қўлланма) – Т.: 2016. 14 б.т.

42. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бугакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.  
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

43. Трудным путём демократии: Процесс государственного управления в США (Перевод с англ. А.Н.Кулик). – М.: “РОССПЭН”, 2006. – 656 с.

44. У.Бўтаев Жамият барқарорлиги: Ўзбекистон тажрибаси. – Т.: “Фан

ва технологиялар”, 2017. 11.9 б.т.

45. Уил Кимлика Современная политическая философия. Введение. – М.: “Высшая школа экономики”, 2013. – 585 с.

46. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.

47. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти (Ўқув қўлланма) – Т.: “Университет”, 2018. 21 б.т.

48. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. – Т.: “Турон-Замин-Зиё”. 2017. 23 б.т.

49. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти: Ғоялар эволюцияси (Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари талқинида). Лотин ёзувида. – Т.: “Адабиёт учкунлари”, 2018. – 96 б.

50. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойихаси – Т.: 2016. Ziyonet.uz Муаллифлар жамоаси.

51. Хакимов Н.Х., Садиков А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.

#### **IV. Интернет сайтлар**

52. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

53. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

54. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)

55. Открытое образование. <https://openedu.ru/>

56. <https://foxford.ru/wiki/obschestvoznanie/grazhdanskoe-obschestvo>

57. <https://www.linguee.com/russian-english/translation>

58. [https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik\\_jamiyati&variant=uz-cyrl](https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik_jamiyati&variant=uz-cyrl)

59. <http://www.uzbekembassy.ir/Development.aspx>


60. <https://icscentre.org/tag/civil-society/>



## II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### Давра столининг тузилмаси.

Ёзма давра суҳбатида стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



### “Давра суҳбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис

этади;

Ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади **“Кейс-стади”**  
**методи**

**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде кўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига куйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари.**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li><li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li><li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li><li>✓ ахборот таҳлили;</li><li>✓ муаммоларни аниқлаш</li></ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li><li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li></ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li><li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li><li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li></ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш;</li><li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li><li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li></ul>

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-Мавзу: “РИВОЖЛАНИШ”, “СТРАТЕГИЯ”, “КОНЦЕПЦИЯ” ВА “ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ҲАМДА ТУРЛИ ХИЛ ЁНДОШУВЛАР

##### РЕЖА:

1. “Ривожланиш”, “стратегия”, “концепция” тушунчаларининг мазмун-моҳияти. “Инновацион ривожланиш” тушунчасининг мазмуни ва ҳозирги кундаги аҳамияти.

2. Фуқаролик жамияти кўришда инновацион ёндашувларнинг ўрни. Фуқаролик жамияти қуришнинг жаҳон тажрибасида илғор ёндашувлар ва ўзига хос жиҳатлари.

3. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда жаҳон тажрибасини ўрганилганлиги.

**Таянч сўзлар:** ривожланиш, инновация, технология, стратегия, тактика, тамойиллар, инвестиция, давлат ва жамият қурилиши, қонун устуворлиги, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, хавфсизлик, халқаро тотувлик, диний бағрикенглик, ташқи сиёсат, логистика, тадбиркорлик, давлат идоралари, геосиёсат, туризм, солиқ ва божхона сиёсати, қуроли кучлар, миллий хавфсизлик, таълим, валюта бозори, инсон ҳуқуқлари, бюджет сиёсати, ижтимоий ҳимоя.

Давлатчилик ривожини ва унинг тараққиёт мезонлари миллатнинг маънавий даражаси билан белгиланади. Зеро, фақат ўзлигини англаган, муштарак мақсадларда якдил, муддаолари уйғун, ор-ноъмуслари устун, ягона масаладаги маданиятга эга халқларнинг ривожланиш тарихи барқарор ва истиқболли бўлиши кишилик жамияти тажрибаларида ўзининг исботини топган. Инчунун, бугунги кунда мамлакатнинг стратегик сиёсати миллий давлатчилигимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маданий меросини янги тафаккур асосида англаш ва уни бевосита жамият бошқарувида татбиқ қилиш билан жаҳон ҳамжамияти интеграциясига киришиш имкониятлари кенгайиб бормоқда.

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра ҳар бир халқ ўз олдига улуғ ва истиқбол мақсадларни қўйиши ҳамда уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамиятига кириб келади. Стратегик тафаккурга эга, узоқни кўрувчи сиёсатчилар, том маънодаги халқнинг ҳақиқий хизматкорлари жамиятда содир бўладиган муоммоларни

олдиндан илғаб, уларнинг самарали ва истиқболли ечимларини топа билганлар. Айниқса, миллат учун мураккаб ва масъулиятли шароитларда жамият ривожини белгилаб беришга қодир “архитектор”ларнинг вужудга келиши ҳам даврнинг тақоза билан боғланади. Трумэн, Черчилъ, Японияда Макартур, Сингапурда Ли Куан Ю, Хиндистонда М.Ганди, Хитойда Мао Цзэ-Дунларнинг узоқни кўра билиши миллатнинг фаровон келажagini таъминлашга эришиш салоҳиятлари билан баҳоланади. Айниқса, Франция, Германия, Малайзия, Жанубий Корея давлатлари иккинчи жаҳон урушлари талатўпларидан сўнг халқнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришда мисли кўрилмаган оммавий сафарбарлик ва жасорат наъмуналарини намоеън қилиши билан барча халқларга ибрат бўлдилар.

Тарихий ривожланиш қонуниятлари аниқ ва тўғри мулжалли стратегия жамият орзуларини реал ҳаётий натижаларга айлантириш мумкин эканлигини исботлади. Бугун Ўзбекистон ҳам ўз тарихининг ана шундай масъулиятли чорраҳасида турибди. Президент Ш Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган ҳаракатлар стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий ғояга айланмоқда. Шу маънода, халқлар ва миллий давлатчилик тарихининг мураккаб эврилишлар асосида кечган сиёсий-ижтимоий жараёнларини ўрганиш бугунги кун истиқбол мақсадларимизни ойдинлаштириш, асослаш, янги марралар ва вазифаларни белгилаш каби имкониятларни яратади.

Шундай экан, ўз-ўзидан совол туғилади? Ривожланиш нима ва у қандай таъминланади? Унинг барча жамиятлар учун умумий ёхуд қандайдир алоҳида қонуниятлари мавжудми? Ривожланишни таъминловчи қандай ижтимоий омиллар ва талаблар ҳукмронлик қилади? Таълимотларга кўра, ривожланиш – бу бир сифатдан иккинчи бир сифатга ёки бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтишда табиат ва жамиятда содир бўладиган ўзгаришлар ҳамда ҳаракатлар тури. Фалсафанинг ҳукмрон тасаввурларига кўра материя ва онгнинг яхлит ҳолатда ривожланиши спиралсимон чексиздир. Зеро, унинг орқага қайтиши ва турғунлиги эътироф этилсада, унинг тамойиллари оддийликдан мураккаб шакллар томон ўсиб боради. Яъни у ривожланиш объектнинг ўзида мавжуд бўлган ҳаракатларга асосланади.<sup>1</sup> Биз буни жамият ривожига дахлдор бўлган “инновация”лар, “концепция”лар каби ғоялар орқали таъминлаймиз.

Бундан ташқари ҳар қандай ривожланиш жараёни ижтимоий ўзгаришдан бошланади. Ўзгаришлар ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий, сиёсий соҳолар орқали амалга оширилади. Яъни ҳар бир соҳанинг миқдорий,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти 187-бет.

мазмунли, структуравий ҳолатининг алмашинуви натижасида сифат кўрсаткичлар вужудга келади. Лекин, ҳар қандай ўзгаришлар ривожланишни таъминламайди. Ўзгаришлар ижтимоий-оммавий яхлитликда ривожланишга олиб келади. Шундай қилиб, ривожланиш жамият тизимининг мураккаблашиб, такомиллашуви жараёнида ташқи шароитларга самарали мослашувчанлигида, воқелик кўламининг кенгайишида, бирон бир соҳадаги сон ўсишида ва уни амалда таъминлашнинг структуравий қурулмаларнинг вужудга келишида намоён бўлади.

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра ҳар бир халқ ўз олдига улуғ ва истиқбол мақсадларни қўйиши ҳамда уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамиятига кириб келади. Шунинг учун табиий ривожланиш жараёнларини босиб ўтиш барча халқларга хос, аммо ўтиш йўллари танлаш, амалга ошириш ва таъминлаш жамиятнинг миллий-маданий хусусиятлари билан белгиланади. Яъни бу мақсадлар давлатнинг стратегик йўналишларида ўз ифодасини топади. Хўш шундай экан, стратегия нима? У давлатнинг қандай жабҳаларини қамраб олади? Стратегия давлат ва халқ манфаатларини уйғунлаштиришнинг қандай истиқболларини белгилаб беради?

“Стратегия” тушунчаси грекча сўздан олинган бўлиб аслида “жанг санъати” маъносини билдиради. Бугунги кунга келиб “стратегия” кенг тушунча бўлиб, турли сиёсий-ижтимоий соҳаларда қўлланилмоқда. Жумладан, “Давлат стратегияси” сиёсий терменология сифатида бугунги кунда фан назарияси ва амалиёти даражасида ўзининг алоҳида тушунча ва категорияларига эга бўлиб;

- 1.) Ўзоққа мулжалланган режалаштириш санъати.
- 2.) Бошқарув ва раҳбарлик маҳорат санъати.
- 3.) Сиёсий ва ижтимоий жараёнларни идора қилиш санъати.
- 4.) Аҳолини маълум мақсадлар сари сафарбар этиш санъати.
- 5.) Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш санъати.
- 6.) Тақсимлаш ва самарадорликни таъминлаш санъати каби тушунчаларни қамраб олади.<sup>2</sup>

Стратегия – бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узок муддатли мувоффақиятни таъминлайди. Стратегия бу – стратегик фикрлаш, чуқур билим ва интуиция асосида муҳитни, келгуси шартларнинг мавжуд прогнозларини тизимли таҳлил қилиш натижасидир. Ушбу таҳлилнинг якуний маҳсули – бу ўзидан аввалги прогноз, вазифа, нуқтаи назар, устуворликлар ва

---

<sup>2</sup> Буланова Е.А. Политика и стратегия в механизме государственного регулирования социально-экономических процессов. Вестник Чувашского университета. 2006 г. №3, С 148

узоқ муддатли мақсадли вазифаларни режалаштириш орқали бажарилишини талаб қилади. Стратегия бу – келажак ва ноъмалумлик парокандалиги орқали синовдан ўтган устуворликлар ва мақсадлар сари йўналтирувчи ғоялар мажмуаси. Бу ресурс чекланганлигини баҳолаш орқали ҳаракатларнинг тўғри танланган йўналиши билан бойитилган донишмандлик<sup>3</sup>.

XXI асрга келиб стратегия тушунчаси анча кенгайди. Стратегия деб, дунё миқёсида ва давлат ички ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқа соҳаларда вужудга келган инқирозий вазиятларни прогнозлаштириш ва бартарф этишга қаратилган бошқарувни ташкил этиш масалаларига доир тушунчаларни қамраб олади<sup>4</sup>. Шундан келиб чиқиб, давлат стратегияси бир бири билан ўзаро боғлиқ, лекин алоҳида хусусият касб этувчи кўплаб тушунчаларда ифодаланади. Яъни, “сиёсат”, “доктрина”, “миллий манфаатлар”, “миллий хавфсизлик”, “модернизация”, “инновация”лар давлат стратегиясининг моҳиятини белгилайди. Шундай қилиб, давлатнинг стратегияси аниқ мақсадларни белгилаш имкониятини яратувчи воситаларни танлаш асосида самарали бошқарув таъминлаш орқали жамиятнинг ижтимоий асосларини ривожлантиришга, мамлакат суверенитети ҳамда хавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс ҳаракатлар мажмуи бўлиб ҳисобланади.

Стратегиянинг моҳияти тактик вазифаларни белгилашдан иборат. Сиёсат, стратегия ва тактика – стратегик раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ учта мустақил категориядир. Уларнинг фарқи шундан иборат: стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун кубул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган объектнинг йўл кўрсатувчисига, маёғига айланади. Тактика эса стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, ойлик ва йиллик (жорий) режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади. Сиёсат – бу стратегия ва тактикани ягона самарали амал қилувчи тизимга агрегация ва интеграция қилинишидир. Бошқача айтганда: **Стратегия + Тактика = Сиёсатга** тенг<sup>5</sup>.

Давлатнинг стратегик бошқаруви бошқа давлат ва халқларнинг тарихий тажрибасидан ўзлаштириб ёхуд нусха олиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихи, сиёсий-ижтимоий, демографик, иқтисодий, маданий вазиятилари мавжуд. Айнан шу ижтимоий омиллар маълум ижтимоий шароитларни вужудга келтиради. Шунга кўра, давлат стратегиясининг универсал формуласини шакллантирадиган муассасалар мавжуд эмас. Барча давлатлар учун хос бўлган умумий тажрибалар ҳам йўқ. Улар учун махсус стратегик командалар, комиссиялар, тезкор гуруҳлар

<sup>3</sup> Квинт В. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. Т.; “TASVIR”. 2018й. 18 б.

<sup>4</sup> Юрина А. О стратегии государственного управление. www.odn2ru.

<sup>5</sup> Квинт В. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. Т.; “TASVIR”. 2018й.44 б.

тузилади. Стратегия сиёсий партияларнинг дастурий ғояларида ёки давлат аппарати томонидан шакллантирилади. Стратегия жамият тафаккур маҳсули сифатида очик ва оммавий ёки қаттиқ назорат остига олинган тартибларда амалга оширилиши мумкин. Барча учун мувоффақиятли тартибот жамиятда турли қарашларнинг шаклланишига имконият ва танқид қилишга шароит яратган муҳитнинг мавжуд бўлиши билан белгиланади. Маълумки, ҳар қандай давлат мазкур вазифаларни ҳал этишнинг структуравий механизмларига муҳтож бўлади. Давлат стратегияси – бу давлат идоралари ўз ваколатлари доирасида ижтимоий аҳамиятга молик бўлган мақсадларга эришиш йўлида мавжуд ресурслардан тизимли равишда фойдаланиши демакдир.

### **1. Давлат стратегиясининг тизимли бошқарув омиллари.**

Давлат стратегияси ўз мазмунига кўра, назарий ва методологик асосларига эга, ривожланиб келаётганлар фанлардан. Бугунги кунда давлат стратегиясини амалга оширишнинг тамойиллари, структуравий функционал асослари ривожланган мамлакатлар таълимотида назарий жиҳатдан муқим шаклланганлигига гувоҳимиз. Мазкур назарий методологик асослар ислохотларнинг изчил йўналишларини кафолатлашга хизмат қилади.

Стратегик мақсадлар қандай омиллар орқали эришилади? Бу вазифа умумий ва хусусий, бирламчи ва иккинламчи омилларни ўзаро боғлиқ ҳаракат қонуниятларини идрок этиш ва уйғун фаолиятини таъминлашга эришишдан бошланади. Ҳукуматлар аксарият ҳолларда миллий стратегик мувоффақиятларни ЯИМнинг ўсишида, фуқароларининг фаровонлик даражасининг юксалишида деб қарайди. Яқин ўтмишда давлатнинг бирламчи вазифалари ҳудудларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ўстириш, олтин-нефтни кўпайтириш, армияни мустаҳкамлаш билан изоҳланган. Бугун миллий кадриятлар билан қуролланган давлатнинг стратегик мақсади фуқароларнинг ғоявий эътиқоди, билим-салоҳияти, жамиятдаги мукамал қонунлар ва барқарор ижтимоий институтларнинг мавжудлиги бирламчи омил сифатида қаралади. Ғоявий ирода жамиятни ҳаракатга келтиради. Ҳаракатсиз ҳаражат нолга тенг. Бу номоддий ресурсларнинг кенгайиши билан моддий имкониятларнинг ривожига хизмат қилади. Яъни, илм янги билимларни вужудга келтиради. Барқарор институтлар иқтисоднинг ривожига, жамият институтларининг такомиллашувига, провард натижада ижтимоий фаровонликка олиб келади. Стратегик хатога йўл қўйган давлатлар ислохотларни иқтисодий омиллардан бошлайди.

Давлат стратегиясининг методологик асослари амалий фаолиятни режалаштиришда маълум назарий меъёрларга амал қилишни тақоза қилади.

**Биринчидан,** ижтимоий воқелик ва вазиятни англаш. Давлат стратегик

вазифаларни қабул қилгунича жамиятда турғунлик, мавҳумлик ёхуд инқирозий ҳолатлар мавжуд бўлади. Стратегик режаларнинг қабул қилиниши билан мазкур вазиятнинг мураккаб жиҳатлари аниқланади ва мақсадга эришиш йўлидаги мавжуд ресурслар имконияти баҳоланади. Шундай қилиб, соғлом прагматик қарашлар ижтимоий вазиятни тан олиш орқали стратегик мақсадларга олиб келади.

**Иккинчидан,** ворисийлик анъанасига амал қилиш. Ҳукумат амалдорларининг ўзгариши ворисийлик кафолатларини таъминланса, унда жараёнлар ривожланмайди. Давлат органлари амалдорларининг тез-тез ўзгариши стратегик мақсадларининг шаклланмаганлигидан далолат беради. Зеро, давлат стратегияси шу мақсадларга мувофиқ етакчиларни танлашни тақозо этади. Мадомики, шундай экан, даставвал кадрлар тизимини шакллантириш стратегик мақсаднинг кейинги амалий босқичга ўсиб ўтиш имкониятини таъминлайди. Инчинун, бошқарувни самарали мақсадга хос ташкил этиш стратегиянинг гарови бўлиб хизмат қилади.

**Учинчидан,** агар давлат эълон қилган стратегиясига собит бўлса, у фуқароларда ҳукуматга нисбатан ишончни уйғотади, мутлақо янги ижтимоий қадриятларни таклиф қилади, жамиятда ижтимоий хамжиҳатликнинг асосларини белгилаб беради. Яъни барча учун бирдек мақбул бўлган ғоя керак. Бу ўз навбатида фуқаровий сафарбарликни таъминлашга хизмат қилади. Аслида стратегия давлат ва жамият ўртасида ўтиш даври учун келишув шакли сифатида намоён бўлади.

**Тўртинчидан,** давлат стратегияси сиёсий кучларнинг фаолиятини стратегик вазифалар асносида бирлаштиришни тақозо этади. Расмий ва ошқора яқдиллик жамиятда кучлар мувозанатини ягона мақсад йўлида уйғунлаштиради. Бундан ташқари жамиятда гуруҳлар, тоифалар, қатламлар ҳам муштарак мақсадларга интилишларини таъминлаб беради. Мувоффақиятсизликларга дуч келган тажрибалардан маълумки, ижтимоий ўзгаришлар юқорида ҳокимият ва мулк тақсимооти доирасидан ташқарига чиқа олмай қолиб кетади.

**Бешинчидан,** жамиятда эълон қилинган стратегия албатта танқидга олиниши табиий. Фақат танқид конструктив, соғлом ва асосли муаммоларга қаратилиши лозим. Стратегия мавжуд экан, танқид тактик масалаларнинг моҳиятига қаратилади ва бундай ҳолатни тўхтатиш ёки унга тусиқ қўйиш бошқа иллатларнинг келиб чиқишига олиб келади.<sup>6</sup> Ғоялар хилма-хиллиги, конструктив муҳолифат, соғлом рақобат стратегик ҳаракатлар жараёнини муолажа қилиб туради.

---

<sup>6</sup> Сергей Дацюк. Государственная стратегия. <https://gtmarket.ru/laboratory/expertize/>



Замонавий стратегияларнинг аксарияти айнан, инвестициялар орқали инсон капиталига ва у орқали адолатли қонунларнинг, ижтимоий институтлар қоидаларини ташкил этилишига қаратилади. Муаммо шундан иборат бўладики, давлатнинг стратегик вазифасини жамият аъзолари томонидан идрок эта олмаслиги ёхуд аксинча жамият талабларига даъватан давлат бошқаруви тайёр бўлмаслиги натижасида миллатнинг ривожланиш истиқболлари рўёга айланади. Шунинг учун ҳар қандай ислоҳотлар инсон капиталини ривожлантириш билан амалда унинг таъмал тоши мустаҳкамланади. Президент Ш.Мирзиёев - “Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт. Чунки жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади”<sup>7</sup>, деб давлат стратегиясининг уствор вазифаларини очиб беради.

Давлат стратегиясини бошқариш тизимларининг назарий ва методологик асослари белгиланган узоқ ва яқин муддатли дастурларнинг пухта ва мукамал режалар билан таъминлашда изоҳланади. Танланган мақсадларнинг стратегик режаси, тамойили, изчил ва ўзаро боғлиқ ижроси, структуравий интеграциялашувини талаб қилади. Мазкур жараёнлар старатегик бошқарув режаси ва тамойиллари асосида таъминланади. Стратегик вазифаларни режалаштир қандай меъзонларга асосланади? Улар;

- ташкилот миссиясини аниқлаш; ташкилотнинг мавжудлик мазмунини белгилаш, мулжалланган, юкланган масъулиятларни ифодалайди.

- ташкилот мақсади ва вазифасини шакллантириш; хизмат кўрсатиш турининг сони ва сифат даражаси рағбатлантириш тизимига асосланиб фаолият самарадорлигини белгилайди.

- ташқи муҳит таъсирини баҳолаш ва таҳлил қилиш; ички хулқ-атворнинг ташқи муносабатларга кириш даражаси ва натижалари, коммунакатив ҳолат ифодаси. У объектнинг ҳолати, ресурсларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий-меъёрий асосларнинг таъминланганлиги, илмий-техникавий база, ижтимоий-маданий муҳит ва инфраструктуранинг лаёқатлилигини таҳлил этади.

- ички структурани баҳолаш ва таҳлил қилиш; белгиланган мақсадларга эришиш йўлида ички имконият ва салоҳиятларни ўрганиш, ҳисобга олиш орқали ташкилот миссияни аниқ белгилаш мумкин бўлади. Улар кадрлар салоҳияти, бошқарувни самарали ташкил этиш, режани тўғри молиялаштириш ва маркетинг билан боғлиқ бўлади.

- муқобил стратегик тавсияларни ишлаб чиқиш ва қиёслаш; мазкур

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018й, 29 декабрь.

йўналиш стратегик режалаштиришнинг юраги ҳисобланади. Зеро, унда муқобил тавсиялардан энг самаралиси танланиб, мақсадга эришишнинг мақбул вариантлари жорий этилади.

- стратегияни амалга ошириш; бу йўналиш энг масъулиятли ҳамда таҳликали жараён. Агар у реал вазиятни тўлиқ қамраб олган яхлит ва бир бутун режа бўлса, унинг мувоффақияти таъминланади. Мобода бошқача бўлса, унда турғунлик юзага келади. Бунга сабаб, нотўғри таҳлилий маълумотлар, хулосалар, кўтилмаган шароитлар, ресурслардан оқилона фойдалан олмасликдир.

- стратегияни баҳолаш ва назорат қилиш; бу жараён стратегик режалаштиришни мантиқий яқунловчи омил бўлиб ҳисобланади. У ходисаларнинг қайта алоқаланиш циклини таъминлаш жараёнида структуравий бўғинлардаги боғланиш имкониятларини кўзатади, таҳлил қилади, баҳолайди, аниқлайди, хулосалар чиқаради. Заруротда стратегик режаларни коррективировка қилади.<sup>8</sup>

Давлат стратегик режалари аниқ ва ўзгармас тамойилларга бўйсиндирилиши муҳим. Улар ислохотларнинг бир маъромда, изчил йўналишини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан;

1. Илмийлик.
2. Мақсадлилиқ.
3. Ўзгарувчанлик.
4. Бирлик.
5. Шароит яратиш.

**Илмийлик.** Раҳбар ўз вазифаларини амалга оширишида турли илмий соҳалардаги маълумотлар ва хулосалар билан қуролланмоғи, бундан ташқари импровизация қилмоғи, қўйилган вазифалар ечимини топишда индивидуал ва креатив ёндашувларни ташкил этиши.

**Мақсадлилиқ.** Стратегияни шакллантириш ва стратегиявий таҳлиллар мақсадли бўлиши лозим. Яъни давлатнинг устувор мақсадларини бажаришга йўналтирилиши лозим.

**Ўзгарувчанлик.** Мазкур тамойил олдин қабул қилинган қарорни ўзгартириш эҳтимоли ёки ўзгарувчан вазиятдан келиб чиқиб хоҳлаган дамда қайта кўриб чиқиши демакдир.

**Бирлик.** Стратегик дастур ва режанинг уйғунлиги. Турли даражада қарорларнинг мустаҳкам боғлиқлиги ва ҳамжихатлилиги мувоффақиятнинг шартли кафолатидир. Мазкур бирлик давлат органларнинг структуравий бўғинларида стратегик ҳаракатларни бирлаштириш, барча функционал бўлим

---

<sup>8</sup> Шамгун Р.Н. Стратегическое планирование или управление - что выбрать?. [www.cfin.ru](http://www.cfin.ru).

режаларининг келишуви билан таъминланади.

**Шароит яратиш.** Стратегияни амалга ошириш имкониятини тўғдиради. Стратегик режанинг мавжудлиги ҳали мувоффақиятли амалга ошишини кафолатламайди. Стратегик бошқарув жараёнида дастур ва режани амалга ошириш учун ташкилий шароит яратилиши лозим. Улар мустақкам ташкилий структура, рағбатлантириш тизими ва бошқарув тизим самарадорлигини оширишга қаратилади.<sup>9</sup>

Мазкур тамойиллар ҳокимият органлари фаолиятидаги ижро интизомининг паст сўъратларига, шахсий масъулиятсизлигига барҳам беради, кадрлар лаёқати даражасини оширишни талаб қилади, мураккаб ва чигал иш тартибларини содда ҳамда тезкор ёндашувлар билан таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими стратегик йўналишларни белгилашнинг мавҳум ва номаълум жиҳатларини ойдинлаштириш орқали тартиблаштиришга хизмат қилади. Бу масалалар қуйидаги тамойиллар билан аниқлаштирилади:

- **Мақсад** – нега у ёки бу ҳаракатлар бирламчи бўлиб ҳисобланади. Яъни нима учун долзарб ва реал вазиятда, турли ижтимоий эҳтиёжлар талабида, кўрқув ва иккиланиш шароитида муҳим вазифаларни ажратиб олиш керак?

- **Ташқи шароит** - қайси нуктада мақсадга эришиш кўзда тутилмоқда. Зарур ресурслар мавжудлигини аниқлаш ва амалга ошиши лозим бўлган ҳозирги ва келгусидаги шароитлар тақоза қиладими? Ҳукумат ана шу икки нисбат ўртасидаги омилларни қандай меъзонлар билан танлаши лозим?

- **Йўналиш** – нимага эришишни ҳохлаймиз, белгиланган, исталган мақсад ва натижалар қандай? Бу ўз навбатида кейинги ҳаракатни белгилайди:

- **Ҳаракат** – ҳукумат ва идоралар белгиланган мақсадга эришишнинг қандай режасига эга: стратегияда ифодасини топган тамойиллар қандай қонунлар ва дастурларда кафолатланмоқда, жамиятни қандай омиллар етаклайди, рағбатлантирувчи куч нимада? Мазкур ҳаракатлар кўтилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлганлиги учун стратегия таълимга боғлиқ бўлади:

- **Таълим** – жамият тасаввурларини шакллантириш тизими сифатида танланган йўналишни ва шунингдек, мақсадни қайта кўриб чиқиш, имкониятларни белгилаш асосида қанчалик амалий натижаларга эришилаётганлиги ҳамда қайси соҳаларда имкониятлар бой берилаётганлигини аниқлаш, таққослаш, қиёслаш индекаторларини (илмий услубларни) жорий этиш талаб этилади.<sup>10</sup>

<sup>9</sup> Государственное стратегическое управление. Общ.ред. проф. Ю Кузнецова. Питер, 2014. С134

<sup>10</sup> Джефф Малган. Искусство государственной стратегии. М.: изд. институт Гайдара. 2011. С 14

Давлатнинг стратегик бошқаруви тизими белгиланган мақсаддан келиб чиқилган янги йўналишларни танлашдан, шунга мувофиқ ҳокимият органларининг қайта ташкиллаштирилишидан ҳамда умум ижтимоий-маданий аҳамиятга молик мақсад йўлида жамият кучларини сафарбар этиш билан белгиланади. Давлат стратегик бошқаруви тизими индекаторлари мазмуни қуйидаги саволларга жавоб топишга қаратилади.

1. Қачон, қаерда ва нега?

2. Ижтимоий ва маданий аҳамиятга молик мақсадларни аниқлаш **(нимага?)**.

3. Инсоний, табиий, техник-технологик, молиявий, ишлаб чиқариш ресурсларини аниқлаш **(нима учун, қандай қилиб, нима билан?)**.

4. Аҳоли бунёдкорлиги ва ташаббускорлигини оширишда тегишли моддий таъминот асосларини яратиш **(қанча ва қандай сифатда?)**.

5. Малакали мутахассисларни тайёрлаш **(қанча, қандай харажат ва қийматда?)**.

6. Ижтимоий институтлар ва давлат ҳокимияти органларини ўз вақтида ислоҳ этиш **(қандай қилиб ва қандай воситалар билан?)**<sup>11</sup>

Давлат стратегиясининг функционал вазифалари турли бўлишга қарамасдан, уларнинг мазмун-моҳияти учта асосий функциянинг элементлари ҳисобланади. Уларсиз бошқарув тизимлари, айниқса, стратегик раҳбарлик ва бошқарув тизимлари тўлиқ самарали ишлай олмайди. Булар стратегик режалаштириш, стратегик рағбатлантириш ҳамда стратегик мониторинг ва назорат.

**Биринчи элемент** аниқ истикболли сиёсатни шакллантириш жараёнини камраб олади. Унинг дастлабки устуни сифатида мазкур сиёсатни омма эътиборига ҳавола этиш, онгига сингидириш, тадбиқ этиш вазифаларини белгилашга, имкониятларни ҳисобга олишга қаратилади. Яъни режалаштириш.

**Иккинчи элемент** мақсадга эришиш йўлида моддий ва маънавий ресурсларни тўғри тақсимлаш, кетма-кет боғлиқ вазифаларни аниқлаш орқали эришилинади. Бунда асосий эътибор режаларни амалга ошириш фаолиятини тўғри рағбатлантириш муҳим аҳамият касб қилади.

**Учинчи элемент** фаолият натижаларининг мониторингини ташкил қилиш, самарали омилларни такомиллаштириб бориш, назоратни кўчайтириш лозим, деб қарайди. Мазкур унсурлар яхлит жараён сифатида бири иккинчисини мустаҳкамлашга хизмат қилади.<sup>12</sup> Агар биринчи вазифалар таъминланмаса, қолган босқичлар амалга ошмайди. Ёки

<sup>11</sup> Юрина А. О стратегии государственного управления. www.odn2.ru.

<sup>12</sup> Джефф Малган. Искусство государственной стратегии. М.: изд. институт Гайдара. 2011. С 232

расмиятчилик ҳолати вужудга келади. Шу сабабдан ушбу қонуниятлар бири бири билан зиддиятларга ҳам киришиши мумкин. Бундай вазиятлар стратегия жамият соҳаларини тўлиқ қамраб олишга эришмаганлигидан далолат беради. Масалан, фан-таълимни ривожлантирмай туриб юқори технологияга эришиб бўлмайди. Ёки тадбиркорлик ва хусусий мулк ваколатларини кафолатламасдан туриб, иқтисодиёт, инвестиция соҳаларини ривожлантириб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда стратегия, бу – фундаментал фан ҳисобланади. Унинг асосий тамойиллари ва илмий категориялари ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятлари асосида такомиллаштирилади ҳамда мувофиқлаштирилади. Аммо, ҳар қандай стратегия – стратегиялаш объектидан қатъи назар, умумий табиатга эга ва, демак, умумий назарий асосларга эга бўлиши лозим. Шу сабабли стратегиянинг яхлит тизими миллий, минтақавий, соҳавий ва корпаратив стратегияларни интеграциялашуви жараёнларидан ҳосил бўлиб боради.<sup>13</sup>

### **3. Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичи.**

Ҳар бир давр ўзига хос сиёсий вазияти билан ижтимоий ҳаёт ривожига таъсир кўрсатади. Ҳар бир даврнинг ўз таълимоти ва ёндашув тамойиллари юзага келади. Ушбу вазиятни англаш, шунга мос йўл-йўриқ танлаш стратегик тамойилларнинг талабларидан ҳисобланади. Ривожланишнинг ўз қонуниятлари мавжуд бўлгани каби, ғавқулотда ижтимоий ўзгаришлар ҳам ривожланишнинг моҳиятига зид келади. Бошқача қилиб айтганда, инқилобий таъсирни жамиятнинг ўзи инкор қилади. Тадрижий таълимот ижтимоий қонуниятларнинг жамият имкониятларига мувофиқлаштирилгани, уйғун сиёсий ислохотлар белгилангани билан самарали натижалар беради. Иқтисодий ислохотларнинг бозор муносабатларига йўналтирилиши, инфратузулмаларнинг жорий этилиши, ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этиш, мулкдорлар қатламининг ўсиб бориши билан жамиятда инсон манфаатлари, қонун устуворлиги, ижтимоий ҳимоя каби демократик қадриятлар таъминланади. Шу тариқа янги жамият асосларига дахлдор ижтимоий омиллар бири иккинчисини тўлдиришга хизмат қилади.

Кўриб турганимиздек, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар стратегик таълимотларга тўлиқ мос келади. Улар республикамизнинг босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани даврида давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда намоён бўлмоқда.

<sup>13</sup> Квинт В. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. Т.; "TASVIR". 2018й.42 б.

Инчинун, олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат тараққиётининг комплекс дастурини илгари сурди. Бу ҳужжат «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»<sup>14</sup> деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллик тантаналарига бағишланган маърузаларида муҳтарам Президент –“ Асосий қомусимиз негизида яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустриал ривожланиш сари одимлашда бекиёс ўрин эгалламоқда<sup>15</sup> деб, улкан ўзгаришларга даҳилдор янги ғояларни илгари сўради.

Мазкур дастур нафақат ички ва ташқи сиёсатдаги ислохотлар сари ташланган қадамда, балки, энг аввало, давлатнинг халққа бўлган муносабатини ўзгарганлигида намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам мавжуд ўткир муаммоларга эътибор қаратилиб, уларни ҳал этишнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилди. 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши, 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш” йилларида амалга оширилган ислохотлар асосида «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган инсонпарвар ғоя изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишнинг дастурий чоратадбирлари белгиланди. Бу борада давлат органлари ҳамда фуқароларнинг ўзаро муносабатига бўлган ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқишни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қайд этилди. Мазкур эришилган натижалар заминида 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” сифатида давлатнинг стратегик йўналишлари янада самарали, мустаҳкам ва изчил қарорлар билан бойитилди.

Ушбу вазифалар аввало демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини янада ошириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг маъмурий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмаларини амалда

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”// Веб-сайт Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>15</sup> Халқ сўзи. 2018 йил 8 декабрь.

тадбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини оширишга йўналтирилган давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга қаратилади. Бу йўналишлар қўйидаги стратегик тамойилларда ўз ифодасини топди:

## **ЎЗБЕКИСТОН ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**

### **1. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари;**

1.1. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш:

1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш:

1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:

### **II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишлари**

2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:

2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:

2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш:

2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш:

2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:

2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:

### **III. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари**

3.1. Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш:

3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:

3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:

3.4. Иқтисодийда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш:

3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш:

#### **IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш:

4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:

4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш: V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.

#### **V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:**

5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш;

фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;

давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш.

Давлат ва жамият қурилиши шундай бир мураккаб тузилмаки, унинг таркибидаги бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирадиган соҳа ва жабҳаларни бир вақтнинг ўзида жадал ривожлантиришни талаб қилади. Уларнинг ҳар бири иккинчисига замин яратади. Қайсидир асосий соҳа аввал ривожланиб, бошқа соҳа ва тармоқлар учун локаматив вазифасини ҳам бажариши мумкин. Албатта, бу жараёнда ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, объектив таҳлил қилиш, ўз вақтида тегишли



чора-тадбирлар қабул қилиш, уларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, самарали ишлаш механизмларни янги технологиялар асосида ташкил этиб бериш каби вазифаларни ҳал қилиш талаб этилади.

Ҳаракатлар стратегиясининг етакловчи лакоматив куч - бу давлат ва унинг органлари. Ундан чиқди, ислохотларнинг гарови ва қафолати лаёқатли ҳокимиятнинг фаолияти билан боғлиқ ҳодиса. Шундай экан, давлат ва жамият бошқаруви тизимларини такомиллаштирмасдан туриб мамлакат ҳаётини модернизация қилиб бўлмайди. Модернизация ўз умрини поёнига етказган бошқарув усулларини янги сифат ва талаблар даражасига кўтариш билан мамлакатни ривожлантиришга олиб келади. Бу жараёнлар бевосита маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳудудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда мустақил қарорлар қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришни тақоза қилади. Шу нуқтаи-назардан Президент Ш.Мирзиёев “Мурожаат”ида парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш, ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш, давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқишимиз, уларнинг мустақиллигини янада ошириш вазифалари белгиланади.<sup>16</sup>

Бошқарувда адолатли давлат бошқаруви тизимлари шаклланмас экан, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари – иккинчи узвий боғланувчи муҳим тамойил таъминланмайди. Улар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Бундай тизимнинг самарали фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини таъминлашнинг реал имкониятларини вужудга келтиради. Олий суд – олий ҳакам сифатида жамиятнинг яхши - ёмони, фойда – зиёнини белгилаб берувчи маънавий барометрга айланадики, бундай ижтимоий муҳитда жинойт қилишдан кура бунёдкорлик қилиш авфзаллиги устуворлик касб қилади. Шу маънода Президент Ш.Мирзиёев суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозимлигига аҳамият бериши стратегик мақсадларнинг муштараклигини таъминлашга

---

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018й, 29 декабрь.

қаратилади.<sup>17</sup>

Жамиятда адолатли бошқарувнинг вужудга келиши шубҳасиз иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини такомиллаштириш имкониятини яратади. Улар макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, айниқса, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг янги инновацион технологияларининг тадбиқ этилиши имкониятларини яратади. Яъни ривожланишнинг ички қонуниятларига кўра, янги сифат босқичга кўтарилишнинг мураккаб, аммо такомиллашган шакллари пайдо бўлади. Бу ўз навбатида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни тадбиқ этишни талаб қилади. Натижада мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали жойларда мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўсиш суръатлари вужудга келади.

Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши билан ижтимоий муносабатлар ҳам ривожланиб боради. Жамият ва унинг ҳолати аслида инсон онгининг инъикоси. Фуқаро қандай эзгу амаллар маърифати билан қуролланган (тарбияланган) бўлса, ана шу руҳий қудрат истакларининг ҳосиласини олади. Бу жараён улкан тўлқин сифатида миллатнинг муштарак мақсадларида намоён бўлади. Бу ўз навбатида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида янги тармоқларнинг, ишчи ўринларнинг пайдо бўлишига хизмат қиладик, табиий равишда аҳолининг реал даромати ва шунга мувоффиқ ижтимоий ҳимояси, турмуш даражаси ҳам ошиб боради.

Ҳаракатлар стратегиясининг самарали натижаси бевосита мамлакатда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат самарадорлиги билан боғлиқ ҳодиса. Бундай дейишимизга сабаб, ташқи сиёсат ички сиёсатга, ички сиёсат ташқи сиёсатнинг натижаларига боғлиқ бўлади. Инчунун, миллат улуг мақсадлари йўлида собитқадам ва муштарак бўлсалар, фаолият амаллари юксак бўлса, бундай халқ жаҳон ҳамжамиятнинг муносиб аъзосига айланиб бориши билан ўз қудратини ҳам мустаҳкамлаб боради.

Дастурларда белгиланган ҳаракатлар стратегияси барча йўналишлари

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018й, 29 декабрь.

таҳлили бир-бирига боғлиқ узвий қонуниятлар билан боғланганлигини кўрсатиб турибди. Улар давлат бошқаруви тизимларининг мураккаблашуви асносида фуқароларнинг ижтимоий ҳаётга иштирокини соддалаштирилишида, талаб ва эҳтиёжларга мос ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашувида, сон кўрсаткичларнинг ўсишида, жамиятнинг структуравий ўзгаришларида, ижтимоий соҳаларнинг ривожланишида намоён бўлмоқда. Албатта, стратегиянинг мувоффақиятли жорий этилиши фақатгина ундаги иқтисодий ва технологик омиллар билан белгиланмайди, бунда етакчилар ва қарор қабул қилувчи раҳбарларнинг обрўси, инсоний фазилатлари, стратегияга доир шижоати ҳам муҳим роль ўйнайди. Энг катта ва ҳал этувчи куч – бу халқнинг иродаси бўлиб қолади.

### **Назорат саволлари:**

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони қабул қилинишининг бош мақсади ва аҳамияти.
2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат бошқарув ва жамият тизими.
3. Ўзбекистонда давлат бошқаруви ҳокимиятининг устувор тамойиллари.
4. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда жамоатчилик назоратининг аҳамияти.
5. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоа ташкилотлари ёки сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти.
6. Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг ихтисослашуви ва уни янада такомиллаштириш зарурияти.
7. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда иқтисодий судлар ташкил этилишининг аҳамияти.
8. “Ҳабеас корпус” институтининг мазмун-моҳияти.
9. Фуқаролар мурожаатларини ҳал этишда виртуал қабулхоналарнинг ўрни ва аҳамияти.
10. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш самарадорлиги.
11. Мамлакатимизда диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашишга қаратилган қонун ҳужжатлари ва уларнинг аҳамияти.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни мазмун-моҳияти.

13. Жамиятда аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим мезони.

14. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашда Ўзбекистоннинг ўрни.

15. Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар ҳамда уларнинг аҳамияти.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

## **2-мавзу: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ**

### **РЕЖА:**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ш.М.Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, 2017 йил 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, жамоатчилик муҳокамаси.

2. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида жамиятни ривожлантиришнинг инновацион услуб ва ёндашувлар.

3. Мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда инновацион, илғор усул, ҳамда воситалардан фойдаланиш. Жаҳон тажрибасидаги тараққиётнинг илғор инновацион моделлар таҳлили.

**Таянч сўзлар:** Тараққиёт, инновация, технология, стратегия, тактика, тамойиллар, инвестиция, иқтисодиётни либераллаштириш, логистика,

тадбиркорлик, давлат идоралари, геосиёсат, туризм, солиқ ва божхона сиёсати, таълим, валюта бозори, инсон ҳуқуқлари, бюджет сиёсати, ижтимоий ҳимоя.

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарт ҳисобланади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди.

Хусусан, бу борада кўплаб кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали мувофиқлаштирилмагани сабабли мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузли ва обрўли халқаро тузилмалар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтингида иштирок этмаяпти.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги, вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаётгани бу борадаги биринчи навбатдаги мақсадлар ва вазифаларга эришиш имконини бермаяпти.

Жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида белгиланган:

а) мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш - Стратегиянинг бош мақсадидир;

б) бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;

барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизиминининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;

илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шаклларини жорий этиш;

бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш.

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартидир.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди. Жумладан:

аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси паст;

олий таълим муассасалари ўқув режалари ва дастурларини, талабаларни қабул қилиш квотаси миқдорини белгилашда, молиявий маблағларни тақсимлашда мустақил эмас;

илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун масъул вазирлик ва идоралар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик лозим даражада эмас, илмий-тадқиқот муассасалар ва лабораториялар фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаган;

илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш даражаси паст;

инновацион менежмент соҳасида технологиялар трансферини фаол илгари суриш ва амалга оширишга қодир юқори малакали мутахассислар мавжуд эмас;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилаётган бюджет маблағлари етарли эмас;

илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан молиялаштириш самарали ва шаффоф эмас, бюджетдан ташқари ва хусусий жамғармалар маблағларини жалб этишни рағбатлантириш механизмлари мавжуд эмас, қарзни молиялаштиришнинг ички манбалари етарли даражада ривожланмаган;

интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш лозим даражада эмас, ушбу соҳада, айниқса давлат органлари ва ташкилотларида малакали мутахассислар мавжуд эмас;

қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбалари, иккиламчи ресурсларни энергетик утилизация қилиш соҳаларида инновацион технологияларни жорий этиш даражаси паст;

мамлакатда, айниқса давлат компанияларида корпоратив муносабатлар ва корпоратив бошқарув принциплари ривожланмаган, бунда хориждаги энг намунали амалиёт инобатга олинмаяпти;

мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажмида ахборот-коммуникация технологиялари секторининг улуши кам.

Қайд этилган камчиликлар мамлакатимизнинг жадал инновацион ривожланишига, инвестицияларни жалб этишга, иқтисодиётнинг ўсишига ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан қуйидаги мақсадлар, вазифалар ва асосий йўналишларни назарда тутадиган 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда:

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг **мақсад ва вазифалари** қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш Стратегиянинг бош мақсадидир.

2. Бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс рейтингига бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;

барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодий эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;

илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш;

бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш.

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг **асосий йўналишлари** қуйидагилардан иборат:

1. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш;

2. Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;

3. Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш;



4. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш;

5. Рақобатни ривожлантириш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш;

Маълумки, 2018 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Стратегиянинг бош мақсади **инсон капиталини** ривожлантириш, **2030 йилгача** Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг **50 та** илғор мамлакати таркибига кириш этиб белгиланди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан **39 та** Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан иқтисодий реал секторини ривожлантириш бўйича “Йул харита”лари ишлаб чиқилиб ҳамкорликда самарали ишлар йўлга қўйилди. **20 га** яқин ташкилотда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармалари ташкил этилиб, жами **45,46 млрд. сўм** маблағ йўналтирилган;

Венчурга асосланган молиялаштиришни жорий этиш ва инновацион лойиҳаларга тадбиркорлик субъектларининг молиявий маблағларини кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 ноябрда **ПФ-5583-сон Фармони қабул қилинди** ва инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг тубдан янги тизими жорий этилди;

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг* 2019 йил 18 январдаги 48-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида 2019 - 2021 йилларда “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепцияси тасдиқланди. Ҳозирда ушбу концепция Навоий, Нурафшон ва Мўйноқ шаҳарларига жорий қилинмоқда;

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида стартап-экотизимни ривожлантириш бўйича илк бор концепция ишлаб чиқилди. Мазкур концепция Ҳавфсизлик Кенгашига киритилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот беришга тайёрланди;

Мамлакатимизнинг **иқтисодий, сиёсий, ижтимоий барқарорлик ва миллий ҳавфсизлигини таъминлаш, шунингдек миллий мудофаа қудратини янада ошириш** мақсадида Мамлакат иқтисодийтини ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлашда сунъий интеллект лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот беришга тайёрлаш учун Президент Администрациясига киритилди;

Уруғчилик тизимининг тубдан янги модели жорий этилди, унинг қонуний асосини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг

“Уруғчилик тўғрисидаги” Қонуни қабул қилинди, янги ташкил этилаётган тўқимачилик кластерларига уруғчилик билан шуғулланишнинг ҳуқуқий асоси ишлаб чиқилди, уруғчиликка ихтисослашган кластерларни ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалигига хусусий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш тизими ташкил этилди;

Республикамызда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни тартибга солишнинг қонуний асосини таъминлаш, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчиларни ҳуқуқий қафолатлаш, илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан соҳаси тўғрисида” ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида” қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

**Давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шакллари жорий этиш бўйича:**

Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда истиқболли раҳбар кадрларнинг маълумотлар базасини шакллантиришга ҳамда давлат органлари ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги ПҚ-3755-сон қарорига мувофиқ 3 йилда бир маротаба “Тараққиёт” республика танлови ўтказилди;

Танлов натижалари бўйича финал босқичига чиққан 300 та иштирокчилар билан ёзма имтиҳон ва суҳбатлар ўтказилди ва 50 нафар ғолиблар ва 100 нафар танлов финалчилари аниқланди. **Танлов ғолибларини тақдирлаш ва раҳбарлик лавозимларга қўйиш** бўйича таклифлар Президент Администрациясига тақдим этилди;

Давлат бошқаруви академияси базасида ташкилот раҳбарларининг инновациялар бўйича ўринбосарларининг малакаларини ошириш мақсадида “инновацион менежмент” курслари ташкил этилди. Мазкур машғулотларга Буюк Британиянинг **5 нафар** малакали экспертлари жалб қилинди;

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги Доимий вакиллиги билан ҳамкорликда **“инновациялар ва бошқарув ечимлар” Лабораторияси** ташкил этилди. Лаборатория фаолияти доирасида БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда муаммоли муҳокамаларни тизимли равишда ўтказиш йўлга қўйилди. Хусусан, лаборатория фаолияти доирасида “Меҳнат бозорини тартибга солиш” бўйича **“Job Cafe” мобил иловасининг демо варианты** яратилди ва тақдимоти ўтказилди;

Раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида масофавий “электрон портал”ни ишга тушириш чоралари кўрилмоқда. Мазкур портал раҳбар кадрларнинг ишдан ажралмаган ҳолда билим ва кўникмаларини ривожлантириш, малакасини оширган бошқарув кадрлари тўғрисидаги ягона маълумотлар базасини шакллантириш, бошқарув кадрларининг компетенцияларини доимий мониторинг қилиш каби вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади;

**Худудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалиши учун зарур шароитларни таъминлашга қодир бўлган фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш бўйича:**

Худудларнинг илмий салоҳиятини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича умумий қиймати 16,5 млрд. сўмлик 20 та мавзу бўйича танлов эълон қилинди. Танловга келиб тушган 226 та лойиҳаларни белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиши ва Илмий-техник кенгашларда кўриб чиқилиши таъминланди. Натижада, 9 та лойиҳа 7,2 млрд сўмга молиялаштиришга тавсия этилди;

Сурхондарё вилоятида 10 та ақлли бекат қурилди **(1,264 млрд сўм)**. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ шаҳрида 5 та “**Ақлли бекат**“ лар қурилиши ташкил этилмоқда;

Аҳолини офлайн тарзда ахборот ресурс базасидан фойдаланиш имконини яратиш мақсадида республикамизнинг чекка худудларида жойлашган мактаблар, ОТМлар ва жамоат гавжум бўлган жойларга 100 донга “Q-Box” мосламалари ўрнатилди;

Ишсиз юрган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида Ҳиндистон ва Хитой компаниялари билан ҳамкорликда Сирдарё вилоятида “Бизнес-акселератор” ўқув-амалий маркази фаолияти ташкил этилмоқда;

Мактабларда дарс вақтларини электрон кўнғироқ орқали бошқариш мақсадида Электрон кўнғироқ қурилмаси ишлаб чиқилди. Жиззах вилоятидаги мактабларга синов тариқасида ўрнатилди;

Ўзбекистонда илк бор Тошкент вилоятининг Охангарон шаҳрида Болалар технопарки ташкил этилди.

Сирдарё вилояти Баёвут туманида 120 гектар майдонда Биоорганик кимё институтининг ДАГ-1 препарати билан заводда ишловланган чигитларни экилиши ва синовларни ўтказиш бўйича тажриба-синов мақсадида шартномалар тузилди;

Навоий вилоятида Қизилқум фосфоритлари асосида оддий суперфосфат ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияси жорий этилди. Лойиҳа доираси жами 9,17 млрд. сўм қийматга тенг 10,7 тонна гранулали оддий суперфосфат ишлаб чиқарилди;

Қорақалпоғистон табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг “Агрорудалар асосида ўғитларнинг янги турлари” ишланмаси бўйича “Бўрлитоғ Кимё” МЧЖ томонидан “ASR YAXSHINIYAT” МЧЖ билан 1 млрд сўмлик, “ОУХОН SADULLAYEVA” фермер хўжалиги билан эса 20 млн. сўмлик шартнома имзоланди;

Сирдарё вилоятида хорижий инвесторни жалб этган ҳолда “Пенг-шенг кластери” ва “Бек-кластер” негизида уруғчиликка ихтисослашган кластерлари ташкил этилди, Наманган вилоятида “Момик сочиқлар уруғчилик кластери” фаолиятини йўлга қўйиш асосида қишлоқ хўжалигига хусусий инвестициялар жалб этилди;

Инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш, ҳудудларда ва қишлоқ хўжалиги соҳасига инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш бўйича:

-Республика ҳудудларида жами 120 дан ортиқ “Ўсимликлар клиникаси” хизмати жорий этилди;

-Навоий вилояти Хатирчи туманидаги узумчиликка ихтисослашган “Тасмачи”, “Олтинобод” ва “Учқора” МФЙ ҳудудларида Тошкент давлат аграр университети билан ҳамкорликда инновацион усулда 3 та меваларни энергия тежамкор қуритиш лойиҳаси амалиётга жорий этилди.

Вазирлик ташаббуси билан йилига камида 1000 донa вирусдан холи кўчатларни етказиб бериш тизимли равишда тоқзорларни янгилab бориш чораларини кўриш мақсадида Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан Хатирчи туманида етиштириб келинаётган “Оқ дум” ва “Қизил дум” узум навларидан барг намуналари олиб келинди. Геномика ва биоинформатика марказида молекуляр тадқиқотларни амалга ошириш учун ушбу намуналардан геном ДНК ажратилиб, микросетеллит маркерлар ёрдамида генотипик жиҳатдан ўрганилди. Лаборатория таҳлиллари натижаларига кўра, “Оқ дум” нави тозалиги 75% ни, “Қизил дум” узум нави тозалиги эса 80 % ни ташкил қилгани аниқланди ва “In vitro” усулида тайёрланган узум кўчатлари Хатирчи туманига фермер хўжаликларига экилди;

Фарғона вилоятида “Синдбод” хусусий корхонасининг “Кўқон-2” пахта тозалаш корхонаси негизида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тайёрлашга ихтисослаштирилган “Кўқон уруғчилик кластери” МЧЖ ташкил этилди;

Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги “Семруғ” кўп тармоқли уруғчилик корхонаси (*лойиҳа умумий қиймати 4,5 млрд сўм*) ташкил этилиб, замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш учун Корхонага Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2,38 млрд. сўм гранд маблағ молиялаштирилиб берилди;

Сирдарё вилоятида Сабзавот ва полиз экинлари илмий уруғчилик станцияси ташкил этилиб, станция биноларини қуриш ва зарур ускуна билан жиҳозлаш учун Инновацион ривожланиш ва новаторлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш амалга оширилди.

Ўдудларнинг инновацион салоҳиятини янада ошириш, амалга ошириладиган инновацион лойиҳаларга хусусий инвестицияларни жалб этиш мақсадида давлат-хусусий шерикчилик асосида ҳудудий инновацион марказларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Ҳозирда Наманган, Сурхондарё, Хоразм ва Навоий вилоятларида хусусий капитал асосида инновацион марказлар ташкил этилмоқда;

Ўдудларда табиий ўғитлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида маҳаллий тадбиркор “Nacle” ни жалб этган ҳолда Корея Республикасининг илғор тажрибасини жорий қилинди;

Андижон вилоятида инновацион фаолиятни тизимли қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида Андижон тажриба-синов майдончасини ташкил этиш лойиҳаси маъқулланди ва зарур ер майдонлари ажратилди, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун Жаҳон банкининг маблағлари ҳисобига зарур асбоб-ускуна билан бутлаш ишлари бошланди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697-сон қарори билан ҳудудларда давлат хусусий шерикчилиги асосида инновация марказларини ташкил қилиш тизими ишлаб чиқилиб, Термиз, Наманган, Фарғона, Урганч ва Нукус шаҳарларида инновация марказлари ташкил қилинмоқда.

**Инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ихтирочилари, инвесторлар ва Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855 сон қарори билан белгиланган усуллар орқали ишланмаларни тижоратлаштириш таъминланган.

2019 йил 1 июль ҳолатига жами **62 та** инновацион ишланма тижоратлаштирилмоқда. Олиб борилган ишлар натижасида умумий

қиймати **11,9 млрд. сўм** миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилган ва **4,9 млрд. сўмлик** маҳсулот сотилган. **30 та** ишланма бўйича **19 та** инновацион стартап компаниялар ташкил қилинган, унда **15 та** илмий муассаса, **6 та** тижорат банки ва **6 та** инвестор қатнашди. Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни инвесторларга ўтказиш бўйича 11 та лицензия келишувлари тузилди ва инновацион ишланмалар муаллифларига йиллик **3-15%** миқдорида даромад олиши таъминланди.

Шунингдек, Умумий ва ноорганик кимё институти иштирокида “**понтон**” ишлаб чиқарувчи “**Кимёвий технология**” МЧЖ ташкил этилди. Ҳозирда, Муборак газни қайта ишлаш завоидига умумий миқдори **182,5 млн сўмлик** **понтон** етказиб берилди. Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти томонидан ишлаб чиқилган *Хўл тундаги инерцион чанг туткичлар* “Навоий ТМК” ДКнинг Қизилқум фосфорит комплексига жами **67,5 млн. сўм** миқдорида етказиб берилди. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг “**Биоазот-N**” ишланмаси умумий миқдори **77,0 млн. сўмга** истеъмолчиларга етказиб берилди. Сейсмология институтининг “Ўта масъул объектларда сейсмик мониторингни олиб бориш методикаси” ишланмаси бўйича **357,6 млн. сўм** маблағ ўзлаштирилган. Институтнинг “Қурилиш майдонларда сейсмик жадалликни баҳолаш методикаси” ишланмаси қурилиш соҳасига жорий қилиниб **476 млн. сўм** ўзлаштирилди. Шу билан бирга **венчурли молиялаштириш** тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майда **414-сон қарори қабул қилинди**. Бугунги кунда **2 та** Инвестиция компанияси (Венчур Капитал Инвест ва Ўзбек-Амирлик инвестиция компанияси) ташкил этилди. Хориж тажрибаси асосида фаол тарзда соҳани ривожлантириш учун вазирликка маслаҳатчи сифатида Корея Республикасидан юқори малакали эксперт (Ким Жонг Хён) **жалб қилинди**. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган умумий қиймати **113,42 млрд.сўм** миқдорида инвестиция лойиҳалари ўзлаштиришга эришилди. Шундан **77,0 млрд.сўм** ички инвестициялар, **1,8 млрд.сўм** тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва **34,62 млрд.сўм** техник кўмак ҳисобига амалга оширилган. Ушбу инвестицияларнинг салмоқли қисми соғлиқни сақлашга **42%** (47,1 млрд.сўм), таълим соҳасига **30%** (33,7 млрд.сўм) ва саноатга **26%** (29,2 млрд.сўм) йўналтирилган. Жумладан: Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги “Семруғ” кўп тармоқли уруғчилик корхонаси ташкил этиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун **1,6 млрд.сўм** маблағ ўзлаштирилди;

“GREEN BIO TECH” МЧЖ қўшма корхонаси фаолиятини ташкил этиш ва янги “FOSSTIM”, “RIZOKOM” ва “Серхосил” турини ишлаб чиқиш учун **1,8 млрд. сўмни** ўзлаштирилди;

“DMC клиникаси”нинг Тошкент шаҳрида фаолиятини ташкил этиш учун **5,0 млн АҚШ доллари** ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси Бегуний туманидаги филиалини ҳам ташкил этиш учун **200,0 минг АҚШ доллари** инвестиция қилинди;

“Medical Manufacture Center” МЧЖ қўшма корхонаси негизда инновацион тиббий буюмлар ва имплантлар ишлаб чиқарилишини ташкил этиш учун **5,5 млрд. сўмлик** инвестицион маблағлар киритилди;

“Яшнобод” инновацион технопаркиннинг **23 та** резидентлари томонидан **3,1 млн. АҚШ доллари** миқдорда инвестициялар ўзлаштирилиб, кимё технологиялари, машинасозлик қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун йўналтирилди;

Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан умумий ҳажми **1,25 млн. АҚШ доллари** ҳамда **1,9 млн. евродан** иборат **170 та** халқаро илмий грантларнинг бажарилиши таъминланди. Шу билан биргаликда умумий қиймати **54,4 млн. АҚШ доллари** миқдордаги **7 та** инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди. Хусусан, умумий қиймати **30,0 млн.долл** бўлган **3 та** лойиҳа тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ва ички инвестициялар ҳисобига қиймати **14,4 млн.долл. 4 та** лойиҳа амалга оширилмоқда.

**Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш бўйича:**

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ташкил этилган “International Robotics Challenge” халқаро робототехника мусобақасида 9-16 ёшгача бўлган ўсмирлар ва 16-23 ёшдагилар ўртасида робототехника мусобақаси ўтказилди. Тадбирда **64 та** жамоада **160** дан ортиқ иштирокчи қатнашди, шундан **24 та** жамоа хорижий мамлакатлардан. Ҳолиб жамоа аъзоларига қимматбаҳо эсадалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда иқтидорли ёш робототехниклар ўртасида “RoboCUP” телевизион мусобақаси ўтказилди. **2 нафар ғолиблар** Хитойда жорий йилнинг 27 июлида ўтказиладиган Нобель мукофоти совриндорлари иштирокида ташкил этиладиган “Asian Science Camp” тадбирида қатнашиш ҳуқуқига эга

бўлди. **“RoboFootball”** йўналиши бўйича **2 нафар** **голибларга** имтиёз асосида Тошкентдаги Турин политехника университетига ўқишга кириш ҳуқуқи берилди; 2019 йил 6 май куни Тошкент шаҳрида **“Робототехника ҳамма учун”** мавзусида имконияти чекланган ёшлар учун тадбир ўтказилган. Унда махсус интернат мактабларининг **100 нафарга** яқин ўқувчилари иштирок этган. Тадбир икки қисмда “Ёшларга робототехника тушунчаси ва роботлар билан ишлаш, уларни яшашга оид тушунчалар” ҳамда “Кимё лабораторияси” шоуси намойиш қилинган. Тадбир якунида танлов голибларига қимматли совғалар берилган;

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорлигида **“Стартап Ташаббуслар”** танлови ташкил этилди. Республика бўйича **308 та** ариза қабул қилинди. Танлов натижаларига кўра **33 та** стартап лойиҳалар саралаб олинди, **5 нафар** голибга Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумий миқдори **200 млн.** сўмга тенг бўлган пул мукофотлари билан тақдирланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 апрелдаги 276-сон қарори билан Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий марказ ташкил этилди. Марказда 6 та йўналиш робототехника ва мехатроника, учувчисиз парвоз этувчи қурилмалар, 3D прототиплаштириш, аэрокосмик, саноат соҳасидаги интернет буюмлари, 5G янги авлод тармоқлари лабораториялари фаолият юритади. Олимлар, тадбиркорлар ва ташаббускор ёшларнинг илмий-ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида вазирлик ҳузурида **Ёшлар академияси** ташкил этилмоқда. Мазкур академия ўз ичига ғоялар генераторлари, стартаплар, бизнес вакиллари ва бўлажак академиклар платформаларини ўз ичига олади. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 786-сон қарори билан Инновацион ғоялар етакчиси кўкрак нишонини таъсис этилди. Туман (шаҳар) ҳокимликларида ва Олий таълим муассасаларида тузилган комиссияларга ҳозирги кунда жами **468 нафар** номзодлар кўкрак нишонига ҳужжатлар топширган. Ҳозирги кунда **14 та** ҳудуддан **3 тадан** номзодлар Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан, республикада инновацион тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, инновация соҳасига хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш, олимларимизнинг илмий натижаларини тижоратлаштириш, ёшларнинг илм-фан ва ихтирочиликка бўлган қизиқишларини орттириш мақсадида 2018



йилнинг 23-26 октябрь кунлари Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида чет эл илмий-инновацион марказлари, инвестицион жамғармалари, технологик агентликлари, технопарклари ва бизнес инкубаторларининг фаол иштирокида “INNOWEEK” Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги ўтказилди. “INNOWEEK” ҳафталиги Халқаро инновациялар ярмаркаси, Халқаро инновацион-инвестицион форум ҳамда Халқаро робототехника мусобақаси - “International Robotics Challenge” каби муҳим тадбирлар асосида ташкил этилди. Мазкур ҳафталикда **20 дан** ортик хорижий давлатлардан олимлар, мутахассислар, экспертлар, инвесторлар, тадбиркорлар ва дипломатлар иштирок этди. “INNOWEEK” давомида хорижий ва маҳаллий ҳамкорлар билан инновацион технологияларни босқичма-босқич қўллаб-қувватлаш ва жорий этиш учун инвестициялар киритиш бўйича дастлабки келишувлар ва савдо шартномалари имзоланди.

### **Назорат саволлари:**

1. Тараққиётнинг инновацион модели тушунчаси ва унинг назарий асослари.
2. Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг мақсади.
3. Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичида инновацияларнинг ўрни.
4. 2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида ўзбекистон республикаси президентининг фармони (ПФ-5544) ва унинг мазмун моҳияти
5. Ўзбекистон Республикасида инновацион менежмент соҳасида технологиялар трансферини фаол илгари суриш ва амалга оширишга қодир юқори малакали мутахассислар аҳволи
6. Инновацион ривожланиш вазирлиги ва уларнинг фаолияти ҳақида маълумот.
7. Технологиялар трансфери деганда нима тушинилади.
8. Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий вазифалари қандай?
9. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича комиссиянинг вазифалари.
10. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури мазмун-моҳияти.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

### **3-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти куришнинг илмий-методологик асослари ва устувор йўналишлари. Янги тараққиёт босқичида фуқаролик жамиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар.
2. Ўзбекистонни янада ривожлантириш стратегиясининг асосий мақсади ва йўналишлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича узоқ истиқболга қаратилган стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини юксалтириш истиқболлари.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, тараққиётнинг беқиёс катта имкониятлари очилди. Миллий мустақиллик туфайли халқимиз сиёсий мутелик, қарамлик асоратидан қутилди. Давлат суверенитети натижасида жамиятимизни ислоҳ этиш ва замонавий сиёсий тараққиёт жараёнларини амалга ошириш учун мустаҳкам замин ва сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳамда ҳуқуқий асосларни босқичма-босқич барпо қилиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Ўзбекистон истиқлол туфайли ўз тараққиётининг тамомила янги бўлган тарихий даврига қадам қўйди. Мана шу даврнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шунда эдики, эндиликда халқимиз ўзининг туб манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ривожланиш стратегиясини

белгилаб олиш ва уни мустақил амалга оширишдек тарихий аҳамиятга эга бўлган шарт-шароитларга эришди.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, —Биз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилдик<sup>18</sup>. Ўлумки, ўз истиқлолига эришган ҳар қандай жамият олдида тараққиётнинг концептуал заминларини яратиш олишдек муҳим ва шу мамлакат истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган вазифалар кўндаланг бўлиб туради. Миллий ривожланиш эҳтиёжларини ўзида тўлиқ акс эттирган сиёсий тараққиёт моделини шакллантира олган мамлакатгина изчил ва самарали ривожланиш йўлидан бора олишини жаҳон тажрибаси бот-бот исботлаб турибди. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, хулоса қилинганда, таъкидлаш жоизки, мустақил мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ жамиятимиз тараққиётининг стратегик заминлари илмий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур асослаб берилди.

Халқимизнинг миллий-маънавий негизлари ҳамда умуминсоний прогрессив кадриятларга таянилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли энг замонавий концептуал асослар замида баён қилиб берилди ва бу билан мамлакатимиз мустақил тараққиётнинг том маънодаги янги ва самарали имкониятлари очилди.

Ички ва ташқи сиёсатнинг йўналишлари, уларнинг мантиқи тўлалигича пировард мақсад — чинакам мустақил Ўзбекистонни барпо этиш мақсади билан белгиланади. Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир. Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила — шу жамиятнинг асосини ташкил этади<sup>1</sup>.

Юртимизда амалга ошириб келинаётган изчил ислохотлар билан ҳамоҳанг равишда жамиятимиз ривожланиши тўғрисидаги илмий назарий қарашлар ва хулосалар ҳам муттасил равишда такомиллашиб, ривожланиб келмоқда. Бу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси жамиятимиз тараққиётининг янги стратегик дастури бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур концепция жамият ривожланиши тўғрисидаги энг замонавий ва мукамал илмий ғоялар сирасига киради.

---

<sup>18</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. —Т.: Ўзбекистон, 2007. —Б. 5.

Юртимиз сиёсий тараққиёти, унинг концептуал таъминоти мустаҳкам бўлганлиги туфайли изчил равишда рўй бермоқда. Халқаро глобаллашувнинг турли салбий таъсирларига нисбатан жамиятимизнинг барқарор иммунитетига кафолатли равишда таъминланиб бормоқда.

Мамлакатимиз истиқлоли туфайли амалга ошириб келинаётган замонавий мустақил демократик тараққиёт билан боғлиқ янгича илмий қарашлар, концептуал хулосалар моҳиятини англаш, ўрганиш муҳим долзарб аҳамиятга эгадир. Давлат суверенитетига эришиш натижасида мамлакатимиз ўз социомаданий заминларига таянган ҳолда, ривожланиш имкониятларига бевосита эга бўлди. Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай ёш мустақил давлат олдида ўз истиқлолини рўёбга чиқариш учун мамлакатнинг аниқ шарт-шароитлари, эҳтиёжлари, мақсадларини қамраб олувчи самарали сиёсий тараққиёт моделини белгилаб олиш вазифаси туради. Ушбу масаланинг юқори даражада ҳал этилиши мамлакатнинг изчил тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир мамлакат конкрет амалиётдан келиб чиққан ҳолда, ривожланиш ғоясини қабул қилиниши яъни, тараққиётнинг концептуал асосларини аниқ белгиланиши бу ўринда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан диний эътиқоди, руҳияти ва ҳуқ-атвор нормалари шуни тақазо этади. Дунёда ижтимоий тараққиёт йўлининг турли вариантлари мавжуд. Туркия, Жанубий Корея, Швеция моделлари ва бошқалар бунга мисолдир. Бир қанча мусулмон мамлакатлари ва янги индустриал мамлакатларнинг тажрибаси ҳам шуни кўрсатади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Оврўпо мамлакатлари ва Япония халқ хўжалигини қайта тиклаш ҳам бунинг амалий намунаси.

Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади. Гап бирон-бир моделни, ҳатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам, кўр-кўрона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ. Аниқ-равшан воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига хос шароитидагина ижобий натижа беради. Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда, ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир<sup>19</sup>.

<sup>19</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли. -

Маълумки, сиёсий тараққиёт ҳодисасининг моҳияти, асослари, формаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш масаласи инсоният тарихида доимо муҳим ўринни эгаллаб келган. Бугунги кунда ҳам мазкур феномен жамият ҳаётини яхшилаш, барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, одамларнинг эркин ва фаровон кун кечиришга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш омили ва инсониятнинг умргузаронлик қилиши учун янада самаралироқ тизимларни яратишнинг йўли сифатида аҳамиятини сақлаб турибди. Шу боис ҳам сиёсий тараққиётга сабаб бўлувчи асослар, омиллар ҳақидаги назарий қарашлар ҳам шу пайтга қадар эволюцион тарзда ривожланиб келмоқда. Ижтимоий фанларда сиёсий тараққиётнинг турлари ҳақида фикр юритилганда даставвал уни икки катта турга ажратиб кўрсатиш устуворлик қилади. Бу ўринда гап тараққиётнинг эволюцион ва инқилобий усуллари ҳақида бормоқда. Сиёсий тараққиётнинг эволюцион тури ўз ичига сиёсий тараққиётнинг бир қанча шакллари қамраб олади ва ижобий моҳиятга эгадир. Тараққиётнинг инқилобий тури кўп ҳолларда салбий оқибатларга олиб келиши ҳамда у туфайли жамиятда кучли сиёсий инқирозлар, регресс ҳолатлари рўй беришини тажрибалар исботлаган. Мустақил Ўзбекистон Республикасида жаҳоннинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда, айти пайтда, жамиятимизнинг миллий негизларига таяниб сиёсий тараққиётнинг эволюцион йўли танлаб олинди ва бундай сиёсий тараққиёт заминини замонавий демократия ғоялари ташкил этди. Мазкур ғоя асосида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг ўзига хос илмий ва амалий асослари шакллантирилди.

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу - инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак<sup>20</sup>.

Мана шундай улуғвор мақсадларни кўзлаб сиёсий тараққиётни амалга ошириш жараёнида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган муҳим қоидага етакчи ўрин ажратилди. Яъни, тараққиёт масаласида Ўзбекистон изчил тадрижий усулларни танлади: —шок терапиясидан<sup>21</sup>дан воз кечди. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг<sup>22</sup> тамойили жамиятни янгилашнинг асосий принципларидан бирига айланди. Маълумки, шок терапиясидан фойдаланишга бўлган уринишлар ниҳоятда оғир ижтимоий оқибатларга олиб

<sup>20</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. -

келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Юртимизда ишлаб чиқилган тараққиёт стратегияси жамиятимизни янгилаш ва ривожлантиришнинг туб манфаатларини ўзида чуқур акс эттириб, барқарор тараққиёт жараёнлари изчиллигини тўлиқ таъминланишига асос бўлди.

Мамлакатимиз истиқлоли жамиятимиз тараққиётининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларини ўзида тўлиқ мужассам этган ҳамда замонавий ривожланишнинг барча принципларини эътиборга олган тараққиёт моделини яратилишини объектив зарурат қилиб қўйди. Шу билан бир қаторда, ёш мустақил мамлакатимиз олдида ислоҳотларнинг дастлабки босқичидаёқ белгилаб олинган бир қатор вазифалар тараққиётнинг ўзига хос миллий моделини яратишни янада долзарб қилиб қўйган эди. Маълумки, ушбу вазифалар қуйидаги муҳим жиҳатларни ўз ичига қамраб олди:

Ижтимоий-сиёсий соҳада: маъмурий-буйруқбозлик, авторитар тузум механизми ва тузилмаларидан қутилиш ҳамда давлат қурилишининг демократик, ҳуқуқий тамойил ва меъёрларига ўтиш, фуқаролик жамиятига ўтишнинг пойдеворини қуриш.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада: инсоннинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувидан, режали-тақсимотчилик тизимидан кечиш ва кўп укладли иқтисодиётга ҳамда бозор муносабатларига ўтиш.

Маънавият соҳасида: ақидабозлик ва ўта сиёсатлаштирилган мафкура ҳукмронлигидан қутулиш, миллий маънавиятни шакллантириш.

Халқаро муносабатлар соҳасида: бутун дунё тараққиётидан ажралиб қолишдан, ўзни четга олишдан ва унга қарши туришдан воз кечиш, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка йўл очиш.

Ислоҳотларнинг мазкур асосий йўналишлари орқали республикамизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мураккаблиги ва улкан миқёсларини тасаввур қилиш мумкин. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ўз халқи тарихи ва унинг онги-руҳиятидан, аниқ шароитларидан келиб чиқиб танлади.

Мамлакатимиз аҳолиси ўз давлат мустақиллигини бутун жаҳон жамоатчилиги билан тантанали равишда нишонлаётган бугунги кунда, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу йўл тажриба синовидан ўтди. Тарихан қисқа, аммо зафарли натижаларга бой бўлган тараққиётимиз, танланган моделнинг тўғрилигини исботлади.

Маълумки, тараққиётнинг ўзбек моделининг моҳияти асосий ғоялари энг дастлаб Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли номли фундаментал асарида кўрсатиб ўтилган эди. Кейинчалик мазкур тараққиёт модели ҳақидаги ғоялар янада ривожлантирилди ва такомиллаштириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон –

бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида номли асарларида тараққиётнинг ўзбек моделининг асосий мазмунини, ўзагини белгилаб берувчи тамойиллар янада чуқурроқ асослаб берилди.

Бешта асосий қоида Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислох қилиш дастурининг ўзагидир. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

- биринчидан, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарур; иккинчидан, давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт; учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим; тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади; бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги
- инқилобий сакрашларсиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу қоидалар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Ҳозир бу қоидаларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлайди<sup>21</sup>.

Биринчи президентимиз томонидан асослаб берилган мазкур тамойиллар тимсолида ўз концептуал заминларига кўра, Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодий-ижтимоий соҳаларни жумладан, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасидаги ислохотларни амалга оширишнинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Жумладан, тамойилларни моҳияти ҳақидафикр юритилганда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиздир:

<sup>21</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 300301.

Иқтисодиётнинг мафкуравий мақсадларга бўйсундурилмаслиги ва сиёсатдан устунлиги тамойили. Бунда иқтисодиётни мафкураданҳоли этиш - демократиква бозор ўзгаришларининг асоси қилиб қўйилди. Биринчи навбатда, иқтисодий негизни барпо этишва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш янги жамият қуришнинг энг муҳим шарти эканлиги уқтирилди. Иқтисодиёт мафкуравий тазиқларсиз, ўзига хосички қонунларга мувофиқ равишда ривожланиши лозим.

Давлатнинг бош ислохотчилиги тамойили. Давлат - иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчисидир. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ҳозирги бозор - давлат томонидан тартибга солиб турадиган бозордир. Давлат иқтисодий фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, ўзига хос бозор шарт-шароитлари вужудга келтиради ва тасдиқлайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат иқтисодий эркинликларнинг кафолати бўлади. Ижтимоий муаммоларни ҳал қилади. Давлат бозор институтларини яратиш учун қулай шароит туғдиради. Вужудга келаётган ишбилармонлик тузилмалари қарор топиши ва ривожланишига кўмаклашиш- давлатнинг бурчидир.

Жамият ҳаётида қонун устуворлиги тамойили. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ҳам зарур. Ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли равишда ҳуқуқий жиҳатдан таъминламасдан туриб, бундай хўжаликни шакллантиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Ижтимоий йўналтирилган қонунчилик асосини яратиш - бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шартигина бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан ўзаро боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак. Қонуннинг устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принцидир, қонун олдида ҳамма баравардир.

Кучли ижтимоий сиёсат – иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли кафолати. Кучли ижтимоий сиёсат принциплари қуйидагилардан иборат:

- аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорини такомиллаштириш. даромад сиёсатиниюрғизиш, пул даромадлари;
- ижтимоий таъминотва ижтимоийкафолатлар, кам таъминланганларни ижтимоий қўллаб қувватлаш; - аҳолигаижтимоийхизматларни кўрсатиш;
- халқнинг моддийтурмуш шароитинияхшилаш;
- ҳар кимнингмеҳнатига ва ҳар кимнинг қобилятига яраша принципни таъминлаш;

Бозор иқтисодиётига ўтишнингбосқичма-босқич тадрижий йўли. Бу - шок терапияси йўлидан тубданфарқ қилиб, бозор иқтисодиётига босқичмабосқич ўтишни тақазо этади. Яъни, иқтисодиётда, сиёсатда



ижтимоий соҳада, маънавиятда ва бошқа соҳаларда ислоҳотлар бирданига амалга оширилмасдан босқичма-босқич ўтишни кўзда тутади. 22 Тараққиётнинг - ўзбек модели ва унинг асосий тамойиллари мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва пировардида фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда кучли ижтимоий ҳимоя тамойилларига асосланган эркин бозор муносабатларини барпо этишда дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Ушбу модел ислоҳотларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини кафолатли таъминлашнинг етакчи устуни бўлиб келмоқда. Тараққиётнинг -ўзбек модели заминида мамлакатимизда кенг қамровли сиёсий ислоҳотлар амалга оширилди. Бунда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратилди:

Биринчидан, сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда миллий давлатчилик асослари босқичма-босқич равишда барпо қилина бошланди.

Иккинчидан, бу жараёнда жамиятимиз демократик тараққиёти манфаатларига тўлиқ мос келувчи сиёсий институтларни шакллантириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Учинчидан, аввалги тоталитар тузумга хизмат қилган ва умрини тугатиб бўлган давлат тузилмаларидан тўлиқ воз кечилди.

Қуйидагилар энг асосий вазифамиз бўлиб қолди:

Биринчидан. Эски маъмурий – буйруқбозлик тизимини, унга мувофиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органларини тугатиш.

Иккинчидан. Янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий асосларини яратиш. Конституция ва қонунларда ижтимоий муносабатларнинг янги тизимини, ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг янги тизимини мустаҳкамлаб қўйиш.

Янги ўзбек давлатчилигининг қарор топиш жараёни ҳам ташқи, ҳам ички мураккаб шароитларда рўй берди. Ички сиёсатимизда биз бир-бирига боғлиқ икки вазифани ҳал қилишимиз лозим эди. Бу - янги давлатчиликни барпо этиш ҳамда кенг қўламли сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси эди<sup>23</sup>. Мамлакатимиз тараққиётининг - ўзбек моделининг энг бош ғояси халқимиз учун муносиб бўлган эркин, фаровон ҳаётни барпо қилишдан иборатдир. Бу борада замонавий демократия принципларини миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб, жамиятда қарор топтириш вазифаси устувор қилиб белгиланди. Таъкидлаш жоизки, жамиятимизда демократия ва фуқаролик жамияти ғоясини ижтимоийлашуви ва қарор топишида - ўзбек моделининг барча концептуал ғояларидан изчиллик билан фойдаланиб келинмоқда ва шу боис ҳам улкан самараларга эришилмоқда.

<sup>22</sup> Қаранг: Алиев Б., Йўлдошев О., Қахҳорова М. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Т.: Иқтисодиёт, 2011 й. Б. 32-33.

<sup>23</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 152-153.

Зеро, жамиятда демократияни жорий қилишнинг ягона рецепти мавжуд эмас, ҳар бир мустақил давлат демократик тараққиёт йўлига ўтишда биринчи навбатда ўзининг социо-маданий асосларига, миллий тараққиёт моделига таяниши лозим бўлади. Фақат шундай ҳолатдагина мамлакатнинг демократик тараққиёти кутилган ижобий натижаларни беради.

Демократик ислохотларни амалга оширишда тадрижий тараққиёт услубларига асосланildi. Унга кўра, демократия ғояси ва унинг институтлари жамиятимиз бағрида босқичма-босқич эволюцион тарзда ривожлантира бошланди. Демократия атамасининг қандай 24 шарҳланиши эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимдир<sup>25</sup>. Тараққиётнинг - ўзбек модели ғоясига кўра, юртимизда янги жамиятни барпо этиш учун амалга ошириладиган барча ислохотлар заминига инсон омили қўйилди. Яъни - ислохот ислохот учун эмас, балки, инсон манфаатлари, унинг, эрки ва фаровонлиги учун, деган ғоя барча янгиланишларнинг асосий ўзаги этиб белгиланди. Шу муносабат билан курилайдиган янги мустақил давлат ва жамиятнинг асосий бунёдкори ҳам, истеъмолчиси ҳам мана шу юртнинг эркин халқи деган принцип мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг марказида турувчи омилдир. Мазкур асос заминида билан тараққиётнинг - ўзбек моделини амалга оширишнинг етакчи шартларидан бири сифатида маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашни тиклаш ва ривожлантириш вазифалари белгилаб олинди. Таъкидлаш жоизки, жамият тараққиётига нисбатан бундай ёндашув ниҳоятда ноёб ваянгича ёндашувдир. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг янгилик сари ривожланишида авваламбор инсон омили, ундаги ижобий ўзгаришлар туради. Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Халқимизнинг маънавий сарчашмаларига мурожаат қилиш, бой тарихий – маънавий меросдан янги жамият, янги ҳаётни барпо қилишда фойдаланиш ғоясининг юксак самарадорлигини мамлакатимиз тараққиёти натижалари яққол намоён қилиб турибди. Тараққиётнинг - ўзбек моделининг улкан аҳамияти тўғрисида тўхталиб, шундай таъкидлаган эди: - Биз ислохотларни инқилобий усулда, яъни - шок терапияси йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун

<sup>24</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 180.

<sup>25</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 137.

ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Тараққиётнинг - ўзбек модели мамлакатимизда янги фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳар томонлама мукамал ва самарали бўлган усули сифатида жамиятимиз тараққиётининг бугунги кундаги долзарб вазифаларини муваффақиятли амалга оширилишида ҳам мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистоннинг бешта устувор йўналиш – тамойилдан иборат бўлган, дунёда тараққиётнинг - ўзбек модели деб тан олинган ривожланиш йўли ҳар томонлама тўғри йўл эканини ўтган тарихимиз исботлади. Биз катта йўлга чиқиб олдик ва унинг амалий натижаларидан барчамиз ҳар куни баҳраманд бўлмоқдамиз. Шунинг учун ишончим комил: юртимизда ҳеч ким эски даврга қайтишни хоҳламайди... Биз эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш учун эртанги кунимиз ёруғ келажагимиз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган юксак марраларга етиш йўлида чуқур ўйланган тараққиёт стратегиямизнинг устувор йўналишларини амалга оширмоғимиз зарур<sup>26</sup>. Мамлакатимизда янги жамиятни барпо этишнинг - ўзбек модели мустақил юртимизнинг барча соҳаларида изчил тараққий қилишининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий замини бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу тамойил жамиятимизнинг истиқболдаги ривож учун ҳам кафолатли манба ва фундаментал асосдир.

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт стратегиясининг бош ғояси бу халқимиз учун муносиб бўлган эркин, фаровон ҳаётни барпо қилиш ва уни мутассил ривожлантириб боришдан иборатдир. Зеро, жаҳон тажрибалари ҳам исботлаб турганидек, айнан фуқаролик жамияти шароитида инсон ҳаётини ташкил этиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг энг самарали ва мақбул бўлган имкониятлари вужудга келади. Фуқаролик жамияти инсоният жамиятини ташкил этишнинг энг замонавий ва такомиллашган усули сифатида барча томонидан эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас. Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишида кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт<sup>27</sup>. Бу ўринда таъкидлаш

<sup>26</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 134.

<sup>27</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 173.

жоизки, тараққиётнинг - ўзбек модели доирасида мамлакатимизда замонавий ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур бўлган барча асослар мавжуддир. Мазкур модел таркибида мужассам бўлган тамойиллар мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий заминларини вужудга келтириш учун кучли имкониятларга эгадир. Зеро, ушбу тамойиллар ва унга асосланувчи концептуал ғояларда фуқаролик жамиятининг моҳияти, вазифалари, шаклланиш қонуниятлари, халқимиз дунёқараши ва эҳтиёжларидан келиб чиқувчи барча жиҳатлар ўз аксини топгандир. Жумладан, - ўзбек модели фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари, институционал заминлари ва энг муҳими демократик ғояларини амалга ошириш учун зарур бўлган мустаҳкам асосларни ўзида мужассамлаштиргандир. Хусусан, юртбошимиз томонидан асослаб берилган Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари концепцияси ушбу тамойилнинг етакчи ўзагини ташкил этади. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларининг стратегик йўналишларини белгиланишида тараққиётнинг ўзбек модели моҳиятидан келиб чиқувчи барча тамойиллар етакчи асос вазифасини ўтамоқда. Хусусан, ушбу жараёнларда давлатнинг бош ислохотчилик ролини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимдир. Мустақил давлатимиз томонидан авваламбор мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ғоявий ва ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Мамлакатимиз сиёсий тараққиёт йўлининг ўзаги сифатида демократияни танлаб олиниши фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур бўлган барча фундаментал асосларни барпо қилиш имкониятларини очиб берди. Зеро, демократия ғояси ўз тараққиётининг етакчи йўналиши сифатида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириб борилишини тақазо этади. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, демократия, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти мазмун-моҳияти, шаклланиш қонуниятларини ташкил қилувчи энг етакчи манбалар ҳисобланади. Юртимизда миллий тараққиёт модели асосида ҳуқуқий демократик давлатнинг институционал заминлари:

давлат ҳокимиятининг тармоқларга бўлиниши принципига асосланиши;

демократик Конституциянинг қабул қилиниши ва қонун устуворлиги тамойилини рўёбга чиқарувчи механизмларни яратилиши; - эркин демократик сайлов тизимини кафолатланиши;

давлат ва жамият бошқарувини амалга оширишда кўппартиявийлик тизимининг яратилиши;

жамоат бирлашмалари ва нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйилиши;

фуқаролар ўз-ўзини бошқариш институтларини ривожлантирилиши; фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатлари ва эҳтиёжларини таъминлашнинг самарали заминларини вужудга келтирилиши, фуқаролик жамиятини шакллантириш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда барпо этилди.

Буларнинг натижасида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шаклланиши учун энг асосий куч ва манба бўлиб хизмат қиладиган замонавий ҳуқуқий демократик давлат асослари ривожлантирилди. Маълумки, ҳуқуқий давлат демократия тамойиллари асосида шакллантирилади. Айни вақтда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва унинг моҳиятини ташкил қилувчи барча жиҳатларини жамиятда қарор топиши учун етакчи замин бўлиб хизмат қилади. Яъни фуқаролик жамиятини шаклланиши босқичларида демократлашув жараёнлари, ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Демократлашув жараёнлари фуқаролик жамияти моҳиятини ташкил қилувчи шахс эркинлиги, тенглиги, озодлиги, тинчлиги, фаровонлиги, дахлсизлиги каби буюк неъматларни рўёбга чиқарса, ҳуқуқий давлат – фуқароларнинг ана шу неъматлардан кафолатли фойдаланишнинг ҳуқуқий заминларини таъминлаб беради. Зеро, ҳуқуқий давлат ўз моҳиятига кўра ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглигини кафолатлайди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ тан олиниши ва ҳурмат қилинишини таъминлаб беради, фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти, шахс билан давлат ўртасидаги ўзаро демократик ҳамкорлик принципларига таянади, ҳуқуқ ва тартиботнинг барқарорлигини кафолатлайди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шаклланишига хизмат қилувчи ҳуқуқий давлат асосларини яратиш жараёнида давлатимизнинг бош қомуси – Конституциямиз улкан аҳамиятга эга бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Конституциямиз концепцияси ва ҳуқуқий нормаларида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур бўлган барча юридик қоидалар мужассамлашгандир. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 15-моддасида таъкидланганидек: Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар<sup>28</sup>. Мазкур Конституция нормалари бугунги кунда, демократиянинг етакчи моҳияти бўлган – халқ ҳокимиятчилигининг амалга оширилиши ва ҳокимият тармоқлари ўртасидаги демократик мувозанатни мустаҳкамланиши учун манба бўлиб хизмат

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2014. - Б. 7.

қилмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз Конституцияси концептуал заминларини эволюцион тарзда жамиятимиз тараққиёти манфаатларидан келиб чиқиб, такомиллаштириб борилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини янада чуқурлашувига етакчи ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантирилишида тараққиётнинг —ўзбек моделининг муҳим тамойили бўлган ислохотларни эволюцион тарзда амалга ошириш масаласига етакчи аҳамият қаратиб келинмоқда. Зеро, фуқаролик жамиятини жамиятда қарор топиши фақатгина тадрижий йўл билан таъминланиши мумкиндир. Биз танлаган босқичма-босқич тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабаларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар. Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шошмашошарлик, турли инқилобий тўнтаришлар йўли қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда<sup>29</sup>. Мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга оширишда даставвал сиёсий институционал ва ҳуқуқий заминларини вужудга келтиришга алоҳида катта аҳамият қаратилди. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш учун, даставвал вакиллик демократиясининг таянч устунни бўлган профессионал парламент шакллантирилди, 1992 йил 8 декабрда демократик моҳиятга эга бўлган Ўзбекистоннинг янги Конституцияси қабул қилинди, аҳоли кенг қатламлари манфаатларини акс эттириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кўппартиявийлик тизими шакллантирилди, демократик тараққиёт жараёнларининг иқтисодий ва ижтимоий ўзагини ташкил этувчи эркин бозор муносабатларининг ҳуқуқий ва институционал асослари вужудга келтирилди. Буларнинг натижасида жамиятимизда демократик ислохотларни рўй бериши учун сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитлар базаси яратилди, демократик ислохотларнинг ривожланиши учун истикболли имкониятлар вужудга келтирилди. Демократияга ўтиш даврининг дастлабки босқичида амалга оширилган сиёсий, ташкилий чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда демократик жараёнларнинг барқарорлиги таъминланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосий босқичлари тўғрисида тўхталиб, шундай хулоса қилган эди: —Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги

<sup>29</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 126-127.

ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич - 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди. 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – мамлакатимизни фаол демократик янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизация қилиш даври ғоят муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ этиш, либераллаштириш ва модернизация этиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган, узок истиқболга мўлжалланган сиёсатнинг амалга оширилиши ва шу йўлларнинг барчасини ўзаро боғлайдиган ҳал қилувчи асос, ўзак-буғин бўлиб хизмат қилди<sup>30</sup>. Мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари ўзининг сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўйди. Бу борада ҳаётнинг ана шундай талаб ва мезонларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва ўтган давр мобайнида изчил жорий этиб келинаётган, амалда ўзини оқлаган, ўзбек модели<sup>31</sup> деб ном олган тараққиёт йўлимиз ва Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ўрта ва узок истиқболда биз учун келажак Стратегияси бўлиб хизмат қилмоқда, аниқ йўлни кўрсатмоқда<sup>31</sup>. Мамлакатимиздаянги жамиятни барпо қилишнинг ўзбек модели ўзининг туб моҳиятига кўра юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шаклланиши учун зарур бўлган барча концептуал асосларга эга бўлган сиёсий, ҳуқуқий манба бўлганлиги туфайли унинг заминларида амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг юксак самараларга эришуви кучли даражада қафолатлангандир.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” нинг маъно-мазмуни.

I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

1.1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш:

давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлисининг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;

<sup>30</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 125-126.

<sup>31</sup> Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2015 йил 13 январь. №7 (6190)

қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилатган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш;

сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш.

#### 1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш:

давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш;

мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш;

«Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

#### 1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:

халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш; жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш; фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;

маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш;

оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш.

## II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

#### 2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:



судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш;

суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процессида томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш; «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш; судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:

фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш;

суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш;

фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш; суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш.

2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш:

жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш; одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш;

жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш;

электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш:

жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;

коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш;

суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:

давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш;

адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш;

нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари тизимини ислоҳ қилиш.

### III. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари

3.1. Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш:

макроиктисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини содаллаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:

миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;

принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш;

хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш;

экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;

йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

### 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:

таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжалиklarини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоклаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш.

3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш:

хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш:

ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

#### IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

##### 4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш:

аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш;

янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.

4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:

аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайитириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш;

пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш.

4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

аҳоли, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг



яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;

аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш;

одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш;

аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида аҳолини электр энергияси ҳамда бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

#### 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш; болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

#### 4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш:

жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

Академик лицей, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш.

## **V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар**

5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, худудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш;

фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;

давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш;

атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш;

фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.

5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:

давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

### **Назорат саволлари:**

1. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” ва унда илгари сурилган ғоялар.
2. Ўзбекистоннинг ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ва унинг аҳамияти.
3. И.А.Каримов ва Ш.М.Мирзиёев асарларида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг илмий-методологик асослари ва устувор йўналишлари.
4. Ш.Мирзиёевнинг асарларида халқ фаровонлигини ошириш масалалари.
5. Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича беш устувор йўналиш – Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий муносабатларни ҳал этилиши.
6. Ҳаракатлар стратегияси – Ўзбекистон тараққиёти учун муҳим йўл.
7. Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимиз иқтисодий аҳволини тубдан ўзгартириш масалалари.
8. Ҳаракатлар стратегиясида қўшничилик муносабатларини йўлга қўйилиши ва унинг аҳамияти.
9. Ш.Мирзиёев асарлари, нутқлари, маърузалари ва Олий Маслиҳатга йўллаган мурожаатларида илгари сурилган ривожланиш асосларининг ёритилиши.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
3. М.Бекмуродов ва бошқ. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари, – Т.: “Ғофур Ғулом НМИУ”. 2017, - 236 б.
4. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услубий қўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.
5. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

### **4-мавзу: “Буюк келажак дастури”нинг мазмун-моҳияти**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистонни янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар. Янги тараққиёт босқичида мамлакатимизни ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларни юксалтириш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар.
2. Ўзбекистонни ривожланишининг “Буюк келажак дастури”. Янги

таракқиёт босқичида “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” ғоясини илгари сурилиши.

### 3. Миллий юксалиш сари амалга ошириладиган ишлар ва истиқболлар.

«**БУЮК КЕЛАЖАК**» халқаро нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг хорижда яшаётган юртдошларимизни мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотларга дахлдор бўлишларига қилинган даъватларига жавоб бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида олиб бориладиган ислохотларнинг самарадорлигини оширишни кўллаб-қувватлаш бўйича кўмаклашмоқчи бўлган барчанинг саъйи-ҳаракатларини бирлаштириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш мақсадида 2018 йилнинг апрель ойида «**БУЮК КЕЛАЖАК**» ХННТ ташкил этилган эди. «**БУЮК КЕЛАЖАК**» ХННТ фаолиятининг модели илғор халқаро тажриба, Ўзбекистон бозорларини ҳолисона таҳлил қилиш, энг асосийси, етакчи дунё мутахассисларининг шахсий тажрибаси негизида қурилган. Хорижда яшаётган ва таҳсил олаётган, ўз касбий фаолиятини Ўзбекистон Республикасида амалга ошириб келаётган келиб чиқиши Ўзбекистонлик бўлган – турли соҳаларнинг етакчи мутахассисларидан иборат Эксперт кенгаши «**БУЮК КЕЛАЖАК**» ХННТ асосий интеллектуал салоҳияти ва активи ҳисобланади. Бугунги кунда Эксперт кенгаши 20 тадан зиёд мамлакатларда, шу жумладан Россия, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Бельгия, Канада, Дания, Швейцария, БАА, Саудия Арабистони, Хитой Халқ Республикаси, Сингапур, Япония, Туркий, Қозоғистон, Финляндия ва бошқа давлатларда яшаб келаётган 190 дан кўпроқ мутахассис-юртдошларимизни ўзида бирлаштирган.

«**БУЮК КЕЛАЖАК**» ХННТ ўз мақсадларига эришиш учун ушбу босқичда қуйидаги вазифаларни амалга оширади: халқаро ташкилотлар ва экспертлар, фуқаролик жамиятлар ва институтларнинг тажрибасини ўрганиш асосида, хорижда ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб келаётган юртдошларимизнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача бўлган узоқ муддатли ривожланиш моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишига кўмаклашиш; аниқ ташаббуслар ҳамда қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича тавсияларни кўрсатган ҳолда, татбиқ этиш босқичларига бўлиб Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача бўлган узоқ муддатли ривожланиш моделининг стратегиясини жорий этиш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш. турмуш даражасини оширишга, инсон капиталининг сифатини яхшилашга, узоқ муддатли инвестициялар бозорини ривожлантиришга ва

давлат ҳокимияти институтларини ислоҳ қилишга урғу берган ҳолда, «**БУЮК КЕЛАЖАК**» **ХННТ** 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларга экспертли қўллаб-қувватлашни ҳам кўрсатиб келади.

2018 йилнинг апрель ойида ташкил этилган "Буюк келажак" ўзида дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида меҳнат қилаётган 300 дан зиёд асли келиб чиқиши ўзбекистонлик бўлган турли соҳа мутахассисларини бирлаштирган бўлиб, уларнинг кўмаги ва тавсияси асосида Ўзбекистоннинг ривожланиш йўллари ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

"**БУЮК КЕЛАЖАК**" халқаро нодавлат ноtijорат ташкилоти (кейинчалик "ХННТ") 2018 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. ХННТнинг асосий таҳлил қилувчи органи бўлиб 30-дан ортиқ мамлакатларда тажриба орттирган 240-дан ортиқ тажрибали юртдошларимизни бирлаштирган - Экспертлар кенгаши ҳисобланади. Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларга кўмак бериш, ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, давлат ва жамиятни жадал ривожлантириш йўлида эксперт маслаҳатлари билан қўллаб-қувватлаш ташкилотнинг мақсади ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатда келтирилган маълумотлар умумий хусусиятга эга бўлиб, у ёки бу шахс ёхуд ташкилотнинг муайян аҳволини ҳисобга олмасдан тайёрланган. Гарчи биз ҳар доим ўз вақтида ва аниқ маълумотни тақдим этишга интилсак ҳам, аммо биз ушбу маълумот олинган вақтдагидек аниқ бўлиши ёки келажакда худди шу тарзда аниқ бўлиб қолишига кафолат бера олмаймиз. Ушбу маълумотларга асосланган ҳолда бирор-бир ҳаракатни фақат тегишли мутахассислар билан маслаҳатлашиш ва муайян вазиятни батафсил таҳлил қилиш асосида амалга ошириш мумкин.

Ҳужжатда тақдим этилган маълумотлар кенг жамоатчилик фойдаланадиган манбаларда мавжуд бўлган маълумотларга ва "**БУЮК КЕЛАЖАК**" **ХННТ** лойиҳасининг ишчи гуруҳига тақдим этилган маълумотларга асосланган.

У тадқиқот ўтказиш вақтида мавжуд бўлган қарашлар ва шарт-шароитларни акс эттиради, ва улар вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин.

Тадқиқотни тайёрлашда лойиҳа ишчи гуруҳи ҳужжатнинг асосини ташкил этувчи маълумотлар, шу жумладан, очиқ манбалардан олинган маълумотлар ва учинчи томонлар тарафидан тақдим этилган маълумотлар, қўшимча равишда мустақил баҳо бермасдан, тўлиқ, аниқ ва ишончли эканлигини назарда тутган.

Лойиҳанинг ишчи гуруҳи учинчи томон, ҳамда очиқ манбалардан олинган маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги, ноаниқлиги, нотўғрилиги сабаб бўлган ҳужжатдаги хатолар ва / ёки ноаниқликлар учун жавобгарликни ўз зиммасига қабул қилмайди ва олмайди.

Ҳужжатда ишчи гуруҳ томонидан келтирилган у ёки бу тенденция ёки ҳолатнинг келажакда ривожланиши бўйича тахминлар умумий маълумот учун тайёрланган – берилган кўрсаткичларнинг қийматлари 2035 йилгача Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш стратегиясининг концепциясида акс эттирилган сценарийлар, вариантлар ва стратегик ташаббусларнинг сонлардаги ифодаланиши ҳисобланади ва стратегия ташаббусларини амалга ошириш доирасида қабул қилинган ёки қилинмаган сиёсий ва бошқарув қарорларига боғлиқ.

Лойиҳа ишчи гуруҳи томонидан таҳлил виждонан бажарилгани билан тахминлар, ҳисоб-китоблар ва натижаларнинг аниқлиги, тўлиқлиги ва тўғрилигига нисбатан ҳеч қандай яққол ифодаланган ёки назарда тутилган кафолат берилмайди.

Лойиҳа ишчи гуруҳи ҳужжатда келтирилган маълумотларга асосланган ҳар қандай ҳаракатлар, қарорлар, фикрлар учун жавобгар эмас.

Ушбу ҳужжатда келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда бирор-бир қарор қабул қилишдан олдин ёки ўзига қандайдир мажбуриятни қабул қилишдан олдин барча томонларга ўз таҳлилларини ва зарур текширувларни ўтказиш тавсия қилинади.

Стратегия Концепциясини ишлаб чиқишдан 2018 йил июндан декабрга то оммавий тингловларни амалга оширилгунга қадар 2019 йил январьдан августгача бир қатор факторлар ўзгарди.

Хусусан, макроиктисодий кўрсаткичлар (валюта курси, инфляция даражаси ва бошқалар) ва статистика соҳасида сиёсат (“Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, мамлакатнинг статистик салоҳиятини оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” ги қарор) янгиланди, муайян ислохотлар ўтказилмоқда (солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича концепция тайёрланди), янги мейёрий ҳужжатлар қабул қилинди (масалан, "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонларини хусусийлаштириш тўғрисида" ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари 2019 йил 15 март, №140 сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 май буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги № 03 / 1-1622, Президент маъмуриятининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 2019 уил 1 майдаги №06 / 1- 1536-сонли буйруғи), стратегик ҳужжатлар қабул қилинди (масалан, 2025 йилгача бўлган даврда

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси), 2030 йилгача кимё саноатини ривожлантириш ва диверсификациялашнинг устувор йўналишлари аниқланди. ва ҳ.к. Юқорида келтирилган янгиланишларга қарамай, танланган стратегик устуворликлар ва умуман ривожланиш йўналиши нуқтаи назаридан, Стратегия концепцияси ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

«Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширмоқчимиз». «Буюк келажак» экспертлари билан интервью  
5-6 февраль кунлари Тошкентда «Ўзбекистон-2035» Иккинчи халқаро форуми ташкил этилди. Икки кун давомида «Буюк Келажак» ХННТ экспертлари 2035 йилга қадар Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси концепцияси лойиҳаси учун ўз йўналишлари бўйича тақдиротларни намойиш этишди. Kun.uz мухбири ушбу кенгашнинг аъзолари билан суҳбат қуриб, уларнинг режалари ва фаолиятлари ҳақида сўради.

«Буюк келажак» экспертлари келиб чиқиши Ўзбекистондан бўлган, хорижда профессионал муваффақиятларга эришган мутахассислар бўлиб, улар кенгаш орқали келгуси 16 йил ичида мамлакат тараққиёти ҳақидаги ўз фикрлари билан бўлишишади ва янги стратегик режаларни ишлаб чиқишади.

Умид Мамадаминов, АҚШдаги Oregon технология институти битирувчиси, Американинг энергетика-архитектура соҳасидаги энг йирик компанияларидан бири STANTEC'нинг собиқ ходими:

«Мен ўтган йили «Буюк келажак» экспертлар кенгашига аъзо бўлгандим. Биз ўзимизнинг соҳадаги янги ғояларни Ўзбекистондан татбиқ қилишни бошладик. Мазкур ташкилот ташаббуси орқали 2018 йилда бўлиб ўтган форумда мамлакатдаги бўлаётган катта ислохотларни кўриб, юртимга қайтиб, тадбиркорлик фаолиятимни бошлашга қарор қилдим. Аввалига, ишни бошлаганимизда тўсиқлар ҳам пайдо бўлди. Юқорида ислохотлар жуда ҳам яхши кетаётган бир маҳалда қуйи соҳада айрим муаммоли масалалар вужудга келди. Мисол учун, вилоятларда завод қуришга инвестиция киритиб, ер олмоқчи бўганимизда жой олиш бўйича муаммолар юзага келди. Бироқ тегишли органлар ёрдами билан Жиззахда қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларини қайта ишлаб, жаҳон бозорига олиб чиқиш бўйича ўз фаолиятимизни бошладик. Ўтган йили март ойида ҳар бир ҳудудда бир-иккитадан кластер ташкил этиш бўйича президентнинг қарори қабул қилинди. Энди биз шу тизимни жорий қилиш учун дуккакли маҳсулотлар кластерини ташкил қилиб, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш ниятидамиз. 2019 йилда январь ойида 30 минг тоннали дуккак маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий заводимиз ишга тушди. Энди



бу заводни хом ашё билан таъминлаш учун маҳсулотни экишга ер олмоқдамиз. Режа бўйича, энг камида 15 минг гектар майдонга экин экишимиз керак ва бу маҳсулотлар 100 фоизи хорижга, яъни АҚШ, Европа, Япония, Жанубий Корея давлатларига экспорт қилинади».

Азиз Каримов, **СИММУТ** марказининг Туркиядаги бошқармаси мутахассиси, Ўзбекистондаги бир қанча лойиҳалар координатори:

«Буюк келажак»нинг бир йил ичида амалга оширган ишлари таҳсинга лойиқ. Сабаби, бу ерда энг асосий омил - вақт, барча мутахассислар ўз ишлари, лойиҳалари билан банд. Шу сабабли, ташкилот дунёнинг турли бурчакларида яшаб, фаолият олиб борадиган ўзбекларни бир ерда тўплаб, катта лойиҳаларни амалга ошираётгани кишини қувонтиради. Биз бошида олган тажрибалар ҳозирда катта мақсадларни амалга оширишда қўл келмоқда. Мен Қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик йўналишида иш олиб бораман. Мазкур соҳада сўнгги икки йил ичида сезиларли даражада ўзгаришлар бўлди. Бу эса қишлоқ хўжалиги ва шунга яқин соҳаларда ишловчи экспертлар зиммасига масъулият юклайди, биз мана шу ўзгаришларни тўғри таҳлил қила олиб, келажакни одиндан яхши кўра олишимиз керак. Форумда хўжаликка кириб келаятган янги йўналишлардан бири - кластер тизими бўйича амалга оширилиши керак бўлган ишлар, камчиликлар, ечимлар ҳақида суҳбатлашамиз».

Насиба Шарипова, Лондондаги PwC компаниясининг консалтинг хизматлари бўйича бош менежери:

«Мен Англиядаги корхонанинг Ўзбекистондаги филиалини ривожлантириш учун учиб келдим. Ҳозирда катта ислохотлар бўлаётгани сабабли бизнинг консалтинг хизматларимизга бўлган талаб ҳам ортади. Шу сабабли, ҳозирда мижозлар фикрини ўрганиб, ўз хизматларимизни тақдим этиш ниятидамиз. «Буюк келажак»да турли соҳа вакиллари билан танишиб, улар билан фикр алмашишнинг ўзи қизиқ. Экспертлар дунёнинг турли давлатларидан ўша давлат стандартлари бўйича ривожланиб келишган ва бу Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясига ўз ҳиссасини қўшади. Улар албатта, имконият, шароит бўлса Ўзбекистонга қайтишмоқчи. Бу ерда маблағ масаласи ҳам жуда муҳим. Сабаби, энди улар талаба эмас, кўплаб экспертларнинг оиласи, фарзандлари мавжуд. Бироқ энг катта сабаб - ривожлана олишига кўзи етишидир. Агарда мутахассис сифатида ривожланишга ишонилса, имконият кўп. Биз бу каби имкониятларни бошқа давлатдан топа олмаслигимиз мумкин. Мен ўз компаниям билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёдаги филиалларимизда ҳамюртларимизга консалтинг хизматлари бўйича ёрдам беришга тайёрман».

### **Назорат саволлари:**

1. “Буюк келажак дастури”нинг мазмун-моҳияти
2. “Буюк келажак дастури”нинг мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришда ўрни ва роли
3. “Буюк келажак дастури”нинг аҳамияти.
4. Халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти
5. Эксперт кенгаши вазифаси.
6. Стратегия концепцияси ва унинг аҳамияти.
7. Ўзбекистонда валюта курси ва унинг барқарорлаштириш вазифалари.
8. Ўзбекистонда инфляция даражаси олдини олишда хориж тажрибаси.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б

**5-мавзу: “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” концептуал ғоялар - Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислохотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асоси**

#### **Режа:**

1. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” шиорининг мазмун-моҳияти. “Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” мазмундаги олиб борилаётган давлат сиёсати. “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” концептуал ғоянинг амалга оширилиши Ўзбекистон тараққиётининг кафолати.
2. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислохотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий йўналишлари.
3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва адолатли жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар йўналишлари ва аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси қисқа даврдаги фаолияти давомида аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимиятлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, мурожаатларнинг аксарият қисми тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига халақит бераётган тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, қонунчиликка зид бўлган идоравий қарорларни бекор қилиш, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, банк кредитларидан эркин фойдаланиш, уй-жой-коммунал ва йўл-транспорт хизматлари сифатини яхшилаш масалалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг фаолияти юзасидан келиб тушмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси фаолияти давлат органларининг мурожаатлар билан боғлиқ ишни ташкил этишда уларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларига, расмийчилик, бюрократизм ва сансалорлик ҳолатларига доир қатор тизимли камчиликларни аниқлади.

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган муносабати билан ҳамда аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси иши тўғрисидаги кўплаб ижобий фикрларини эътиборга олиб, барча даражадаги давлат органлари фаолиятида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар тузилсин:

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида;

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари** (бундан буён — Халқ қабулхоналари) — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари);

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси** (бундан буён — Виртуал қабулхона).

2. Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг асосий вазифалари

этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён — мурожаатлар) билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига (бундан буён — давлат органлари) ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари иштироқида, шу жумладан видеоконференцалоқа орқали ўтказиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

2016 йилда бўлиб ўтган сайловолди учрашувларида мен бир нарсага амин бўлдим. Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очик ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди. Ҳозирги вақтда одамлар давлат идораларидан нимани истаяпти? Бу ҳақда гапирганда, эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман.

Хабарингиз бор, шу йил 25 сентябрда Бош вазирнинг интернет тармоғида электрон қабулхонаси ташкил этилган эди. Ўтган даврда ушбу

кабулхонага фуқароларимиздан **218 мингдан ортиқ мурожаат** келиб тушди. Мурожаатларнинг қарийб 59 фоизи ечимини топган бўлса, 41 фоизи кўриб чиқилмоқда.

Очиқ айтишим керак, **бу мурожаатлар таҳлилидан кўп нарса аён бўлди**. Таъбир жоиз бўлса, улар ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткир муаммоларга кўзимизни очиб берди.

Мана, одамлар нималар ҳақида мурожаат қилмоқда. Аввало, улар турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонунга зид бўлган кўплаб идоравий йўриқномаларни бекор қилиш, ставкаси оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам бериш ҳақида, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти ҳақида мурожаат қилмоқда.

Шу билан бирга, аҳолимиздан уй-жой қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хизмати, энергия таъминотини, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

Кўриб турибсизки, азиз дўстлар, бу талабларнинг барчаси қонуний ва адолатли. Бу борада ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Лекин шу ўринда бир савол туғилади: **мана шу мурожаатларда кўтарилган ҳаётий муаммоларни жойлардаги ҳокимлик ва идоралар, тегишли мутасаддилар ўз вақтида ҳал этиши зарур эмасми?** Ҳолбуки, бу масалада алоҳида қонун, яъни, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Лекин, минг афсуски, бу қонуннинг ижросини назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шу сабабли ана шу қонун талабларини бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахсларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка тортиш зарур, деб ҳисоблайман.

**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак** ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур.

Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш юзасидан яқинда қабул қилинган Фармон талабларига сўзсиз амал қилишни таъминлаш шарт. Нега деганда, **халқ бой бўлса, давлат ҳам албатта бой ва қудратли бўлади**.

Шу нуқтаи назардан қараганда, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчалари ўзаро шунчалик боғланиб кетганки, уларни бир-бирдан асло ажратиб бўлмайди.

Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда, барча қонун ҳужжатларида халқ билан мулоқот тизими ҳақидаги нормаларни аниқ белгилаб қўйиш лозим, деб ҳисоблайман.

Ана шу фикр-мулоҳазаларнинг барчасини ҳисобга олиб, кириб келаётган 2017 йилни юртимизда **“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Президент Ш.Мирзиёев қуйидаги энг долзарб ва устувор вазифаларни белгилаб берди:

Аввало, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усуллари жорий этишимиз даркор.

Биз аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган давлат идоралари фаолиятида одамлар билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш ҳақида ўйлашимиз. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, ҳар бир туман ва шаҳарда **“Халқ қабулхоналари”**ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашимиз зарур.

Айтиш керакки, бундай қабулхоналар сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тизимида фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Чунки сиёсий партия фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлиши керак.

Айни вақтда бу қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақомини, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг асосий мақсадимиз – “Халқ қабулхоналари”га қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборат.

Мухтасар айтганда, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш – аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу мақсадда аҳолига кундалик ва энг зарур бўлган давлат хизматларини “ягона дарча” принципи бўйича бир идора орқали кўрсатиш тизимини такомиллаштиришимиз керак.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳудуддаги вазиятни, аввало, фармон ва қарорлар ижросини, уларнинг самарадорлигини доимий равишда ўрганиб, бу борада давлат органлари масъулиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадиган тизимни шакллантиришимиз керак.

Фурсатдан фойдаланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбарияти, депутатлар ва сенаторларга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман.

Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ҳар қайси вилоятдан, масалан, Сурхондарёдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда, айтайлик, Музработ туманида бўлиб, ўзлари сайланган ҳудуддаги ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши ва тегишли хулоса бериши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маълумки, ҳозирги кунда Олий Мажлисимиз Сенати томонидан ҳар йили Бош прокуратуранинг ҳисоботи эшитилади. Бу албатта муҳим, лекин жойлардаги, масалан, узоқ Олот туманида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар бўлимларининг ҳисоботини ким эшитади?

Шу нуқтаи назардан қараганда, Биринчи Президентимиз жорий этган тизим асосида ҳурматли **Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат раиси жойларга чиққанларида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларидан улар ўз зиммасидаги вазифаларни қай даражада ижро этаётганига, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни, уларнинг мурожаатларини қандай ҳал қилаётганига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.**

Бу борадаги ишларни ташкил этишда парламент сўрови, тегишли давлат идоралари раҳбарлари ахборотларини эшитиш каби ваколатлардан кенг фойдаланиш керак.

Ўтказилган барча ўрганишлар натижаларини умумлаштириб, ҳар йили бир марта ички ишлар вазирининг энг аввало профилактика соҳасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботини Сенатда эшитиш амалиётини жорий этиш ҳам тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Шу мақсадда **Олий Мажлис 2017 йилдан бошлаб ҳар қайси вилоят бўйича бир йилга мўлжалланган иш режасини белгилаб олиши ўринли бўларди.**

**Келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан сайлаш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўришимиз керак.** Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин.

**Ҳозиргина баён қилинган устувор вазифалар давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни тақозо этади.**

**Бу борада 2017-2021 йилларга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикасида маъмурий бошқарув соҳасидаги ислохотлар концепциясини қабул қилиш кўзда тутилмоқда.**

Ушбу концепцияга мувофиқ, давлат бошқаруви органлари тузилмасини, вазифа ва ваколатларини оптималлаштириш, уларнинг ўзига хос бўлмаган, такрорланадиган функцияларини ҳамда ходимлар умумий сонини қисқартириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодий бошқаришдаги ролини кескин камайтириш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилади.

**Президент девони ва Вазирлар Маҳкамаси ижро аппарати фаолиятини такомиллаштиришга, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар самарали амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.**

Шу билан бирга, **давлат хизмати институтини ислох этиш**, давлат хизматчиларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, уларнинг касбий тайёргарлигини тубдан такомиллаштириш, бу соҳага янгича фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар кадрларни жалб этиш бўйича самарали тизим яратилади.

Ана шу масалаларнинг барчаси яқинда ишлаб чиқиладиган **“Давлат хизмати тўғрисида”**ги қонунда ўз ифодасини топади.

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги саҳифа очилаётганини кўрсатиб берди. Президент ўз нутқида илгари сурган **“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган ғоя халқ манфаатлари давлат сиёсатида устуворлик касб этганининг белгисидир.

Шавкат Мирзиёев буни кенг шаклда очиклаб, **“Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади,”** деди. Бу сўзлар келгуси давр ўзбек давлатчилиги тизими учун қонуниятга айланиши шубҳасиз.



«Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак» — Президент нутқи

31 август куни пойтахтимиздаги Халқаро форумлар саройида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади ва қуйидагиларни таъкидлади:

Авваламбор, мана шундай қутлуғ кунда сиз, азизларни ва бутун халқимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бундан роппа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. Шу кундан эътиборан жаҳон харитасида янги мустақил ва суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Жонажон Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихида янги давр — эркинлик ва озодлик, миллий тикланиш ва тараққиёт даври бошланди.

Биз бугун халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, истиқлол йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз.

Албатта, ушбу ютуқларнинг қўлга киритилишида Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тарихий хизматлари беқиёс бўлганини бугун барчамиз, бутун халқимиз такроран эсга олишимиз табиийдир.

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Оқсарой қароргоҳи олдида Ислом Абдуғаниевичнинг ҳайкалини очдик. 2 сентябрь куни эса Ислом ака туғилиб вояга етган Самарқанд шаҳрида у кишининг ҳайкали очилади.

Насиб этса, 2018 йил 30 январда — у киши туғилган кунга 80 йил тўладиган санада Қарши шаҳрида Биринчи Президентимизга ҳайкал ўрнатиш, Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуаси барпо этиш ишларини тўла якунига етказиб, уларнинг ҳам тантанали очилиш маросимларини ўтказамиз.

Бугун барчамиз бир фикрда яқдилмиз: Биринчи Президентимизнинг Ватан ва давлат олдидаги буюк тарихий хизматлари, сўнмас хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди.

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш борасида бугун олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини биз ҳар томонлама чуқур англаймиз.

Жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кескин бир давр барчамиздан янгича ишлаш ва фикрлашни, юқори даражада сафарбарликни талаб этмоқда.

Олдимизда турган ана шу улкан вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик.

Ушбу Стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, конун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсатни изчил давом эттириш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Ҳаракатлар стратегиясида «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани албатта бежиз эмас.

Биринчидан, бугунги кунда барча бўғиндаги ҳокимлар, вазирлик ва идоралар, прокуратура, суд-ҳуқуқ ва ички ишлар органлари раҳбарлари, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чиқиб, ўз фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобот бермоқда.

Маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг ҳаётий муаммоларини ўрганмоқда, уларни конуний асосда ҳал қилиш учун амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Иккинчидан, биз иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва шу тариқа жаҳон бозорида муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашга асосий эътибор қаратмоқдамиз.

Шу мақсадда ўтган қисқа даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида минглаб лойиҳалар амалга оширилиб, юқори технологияларга асосланган замонавий завод ва фабрикалар барпо этилаётгани, янги иш ўринлари ташкил қилинаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги ва эртанги тараққиётимиз бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда анъанавий ёндашувлардан воз кечиб, деҳқонлар даромадини кўпайтирадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни етиштиришга инвестициялар жалб қилинаётгани сизларга яхши маълум.

Мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» деган тамойилдан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш учун янги имконият ва имтиёзлар яратилмоқда.

Энг муҳими, бу соҳа минг-минглаб фуқароларимиз, аввало, ёшларимиз учун ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш, эл фаровонлигини оширишда мустаҳкам замин бўлаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Учинчидан, ижтимоий соҳалар, айниқса, одамларда энг кўп эътироз уйғотаётган соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, табиий газ ва электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат, йўл қурилиши соҳаларида мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, ички ишлар идораларининг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлардан ҳам албатта хабардорсиз.

Узоқ йиллардан буён халқимизни қийнаб келаётган ўткир бир муаммо — арзон уй-жойлар масаласини ҳал этиш мақсадида биз 2017–2021 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур қабул қилдик.

Ушбу дастурга биноан келгуси беш йилда 1 минг 136 та кўп қаватли, арзон уй-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 100 мингдан ортиқ турар жой бинолари барпо этилади.

Шу кунларда фақат қишлоқ жойларнинг ўзида жорий йилда қуриб битказилган янги уйларда 5 мингдан ортиқ оила ҳовли тўйларини ўтказаяётгани албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Бу ишларни изчил давом эттириш ҳақида гапирар эканмиз, инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш биз учун одамийликнинг энг олий мезони, энг муҳим вазифа бўлиб қолишини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки халқимиз ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни келажакда эмас, балки бугун кўришни, улардан бугун баҳраманд бўлишни истайди.

Аҳолимизнинг ана шундай табиий истак ва талабларини бажариш барча раҳбар ва етакчиларнинг асосий бурчи ва вазифасига айланиши шарт.

Тўртинчидан, биз парламент ва фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари бўлган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Жумладан, кейинги пайтда маҳалла тизими, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш

бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар ўзининг дастлабки натижасини бераётганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилгани ва бу ташкилотнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, унга янги имтиёз ҳамда имкониятлар бериш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Чунки мамлакатимизнинг тақдирини ва келажагини учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган, азму шижоатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш — биз учун энг муҳим масаладир.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўзининг амалий фаолияти билан барчамизнинг, биринчи навбатда, ёшларимизнинг умидларини албатта оқлайди, деб ишонамиз.

Бугунги давр талаби, халқимизнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олиб, илм-фан, таълим-тарбия тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мактаб таълим тизими тубдан ўзгартирилиб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта тикланмоқда. Мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сиртқи ва кечки олий таълим шакллари тикланмоқда.

Шунингдек, бу борада бизни энг кўп ўйлантираётган масалалардан бири — мактабгача таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Мақсадимиз келгуси 3-4 йилда мамлакатимиздаги боғча ёшидаги болаларни ана шундай таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олишдан иборат ва биз бунга албатта эришамиз. Ушбу мақсадда айни кунларда махсус давлат дастури тайёрланмоқда.

Бешинчидан, республикада ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш, диний экстремизм ва терроризм хавфига қарши кураш олиб бориш бўйича ишлар ҳам янгича ёндашувлар асосида ташкил этилмоқда.

Ҳаётда билиб-билмай адашган одамларни тўғри йўлга солиш, кечиримли бўлиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш масалалари ҳам диққат марказимизда турибди.

Биз бир ҳаётини ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Яъни хато қилган, йўлдан адашган одамни «ёмон» деб четга суриб қўйсак, у ёмон бўлиб қолаверади. Ёмонни яхши қилиш, уни дўстга айлантириш — бу фақат соғлом жамиятнинг қўлидан келади.

Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур. Бу борада амалга ошираётган ислохотларимиз, хусусан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини муносиб кадрлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар сизларга яхши маълум, албатта.

Айни вақтда бундай кенг кўламли ишларимиз биз бошлаган ислохотларнинг фақат бир қисми, дастлабки қадамлар эканини таъкидлаш лозим.

Олдимизга қўйган юксак мақсад ва режаларимизни реал натижага айлантириш учун ҳаммамиз бор куч ва билимимизни аямасдан, фидокорона ва виждонан меҳнат қилишимиз, ташаббус кўрсатиб ишлашимиз зарур. Шунинг учун ҳам, келгуси икки йил бизнинг фаолиятимизда фавқулодда сафарбарликни талаб этадиган давр бўлади ва бу вазифани барчамиз сидқидилдан бажаришни таъминлашимиз албатта лозим. Халқимиз биздан шуни кутяпти.

Бу борада, айниқса, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Бугун биз мамлакатимизни ҳар томонлама модернизация қилиш, таркибий ўзгаришлар ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш бўйича улкан ишларни бошлаган эканмиз, уларни амалга ошириш ташқи омилларга ҳам боғлиқ эканини яхши тушунамиз.

Шунинг учун ташқи сиёсатимизда узоқ-яқин давлатлар, энг аввало, бизга қўшни бўлган Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолади. Бу борадаги амалий ишларимиздан албатта халқимиз хабардор.

### **Назорат саволлари:**

1. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” шиорининг мазмуни ва унда кўзда тутилган ислохотлар
2. “Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деб номланган президент нутқининг моҳиятининг аҳамияти.
3. “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” мазмун-моҳияти.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси
6. Ягона дарча хизматининг аҳамияти.
7. Давлат Хизматлари Агентлиги фаолияти.
8. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” моҳияти.

#### **Фойдаланиган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktiya press, 2015.
4. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
5. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
6. Ли Кан Ю Из третьего мира - в первый. История Сингапура. 1965-2000. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2016. – 420 с.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-Мавзу: “РИВОЖЛАНИШ”, “СТРАТЕГИЯ”, “КОНЦЕПЦИЯ” ВА “ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ҲАМДА ТУРЛИ ХИЛ ЁНДОШУВЛАР

#### РЕЖА:

1. Стратегияси тушунчаси ва унинг назарий асослари.
2. Давлат стратегиясининг тизимли бошқарув омиллари.
3. Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичи.

#### “Қандай?” иерархик диаграммаси



#### Мавзу бўйича блитс-сўров саволларига жавоб бериш

1. Ривожланиш стратегияси фанининг қандай вазифаларини биласиз?
2. Ривожланиш стратегияси фанининг ўрганилишдан мақсади нима ?
3. Ривожланиш стратегияси фанининг объекти ҳақида нималарни биласиз?

## БББ жадвалини ўлдириш

1. Таянч ибора ва тушунчалар билан танишиб чиқинг.
2. БББ жадвалини тўлдириш учун таянч ибора ва тушунчаларнинг тартиб рақамидан фойдаланинг.

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим
1	2	3

## Тушунчалар таҳлили технологияси

Тушунчалар	Мазмуни
Давлат	
Жамият	
Фуқаро	
Фуқаролик	
Идеал давлат	

## 2-мавзу: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ

### РЕЖА:

1. Тараққиётнинг инновацион модели тушунчаси ва унинг назарий асослари.
2. Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг мақсад ва вазифалари.
3. Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичида инновацияларнинг ўрни.


## ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга маданиятини ўргатади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам




беради. Ф-фикрингизни баён этинг С-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг М-кўрсатилган сабабингизни исботловчи далил келтиринг У- фикрингизни умумлаштиринг	
Савол	Идеал давлат тушунчасининг Фаробий қарашларида ифодаланиши
Ф-фикрингизни баён этинг	
С-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
М-кўрсатилган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
У- фикрингизни умумлаштиринг	

Савол	Идеал давлат тушунчасининг Платон қарашларида ифодаланиши
Ф-фикрингизни баён этинг	
С-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
М-кўрсатилган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
У- фикрингизни умумлаштиринг	



### «Ажурли арра» қоидлари

1. Топшириқ ва матнни бир неча асосий қисмларга қирқилади.
2. Биринчи гуруҳлар: ҳар бир гуруҳ аъзолари қирқилган мавзунини оладилар ва экспертга айланадилар.
3. Эксперт гуруҳлар: Қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган мавзунини муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар.
4. Бирламчи гуруҳлар: ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўрганганларини ўқитишади.




### 3-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.

**Режа:**

1. Тараққиётнинг – ўзбек модели яратилишининг сиёсий-ижтимоий асослари ва концептуал заминлари.
2. Ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш асоси.
3. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ва унинг истиқболи.

#### «Қандай» органайзерини тўлдириг



#### “SWOT - таҳлил” жадвали


Адам Смит минимал давлат концепцияси	Алексис де Токвил америкача демократия ғояси
Тарбиялаш	Чалғитувчи объектлар

#### 4-мавзу: “Буюк келажак дастури”нинг мазмун-моҳияти


##### Режа:

1. “Буюк келажак дастури”нинг мазмун-моҳияти
2. “Буюк келажак дастури”нинг мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришда ўрни ва роли
3. “Буюк келажак дастури”нинг аҳамияти.

##### “Нима учун?” органиайзерини тўлдириш




##### Вени диаграммаси



**5-мавзу: “Инсон манфаатлари ҳамма нарсдан устун”, “Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” концептуал ғоялар - Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислохотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асоси**

**Режа:**

1. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсдан устун” шиорининг мазмуни ва унда кўзда тутилган ислохотлар.
2. “Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деб номланган президент нутқининг моҳиятининг аҳамияти.
3. “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” мазмун-моҳияти.



## Блиц-сўров

№	Саволлар	Жавоблар
1.	“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” тушунчаси?	
2.	Ҳаракатлар стратегиясининг моҳияти нима?	
3.	Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик деганда нималарни тушунасиз?	
4.	“Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” иборани изоҳланг?	
5.	“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” иборани изоҳланг?	

## Концептуал жадвал

Ёндашувлар	Тавсифлар		
	Формацион	Цивилизацион	Модернизацион

## **IV. КЕЙСЛАР БАНКИ**

### **Кейс-стади: Жамият барқарорлигини таъминлашнинг ижтимоий-ғоявий асослари ўзаро мослиги нималарда акс этади?**

#### **1-кейс**

Мамлакатимиз ижтимоий тараққиётга асос бўлувчи бош ғоямизнинг ўзига хос хусусияти нимада?

#### **2-кейс**

Мамлакатимиз ижтимоий тараққиётга асос бўлувчи асосий ғояларнинг аҳамиятли томони нимада?

#### **3-кейс**

Ривожланишнинг «Ўзбек модели»ни ижтимоий тараққиётда мафкуравий жараён сифатида эътироф этиш мумкинми?

#### **4-кейс**

Мамлакат ижтимоий тараққиёти учун мафкуравий жараёнларда қандай илғор ғояларни тадбиқ этиш мумкин?

#### **5-кейс**

Фуқоролик жамияти тушунчаси ва унинг маънавий ахлоқий негизини Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов асарларига таянган ҳолда асосланг.

#### **6-кейс**

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича ғоя ва қарашларнинг асосий йўналишларини кўрсатинг.

#### **7-кейс**

Жамият ривожига цивилизацион қарашнинг афзалтомонларини илмий асосланг.

#### **8-кейс**

И.А.Каримов асарлари асосида демократик жамият ривожининг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти билан боғлиқлигини таҳлил этинг.

#### **9-кейс**

Президент Ш.Мирзиёевнинг “Харакатлар стратегияси” да ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий негизлари ва хусусиятларга оид қандай фикрларини биласиз ва уларни таҳлил этинг.



## 10-кейс

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришларни аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

## VI. Глоссарий

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Аболиционизм</b>	(лот. бекор қилиш) бирор қонунни бекор қилишга қаратилган оммавий ҳаракат. XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда негрларни қуликдан озод қилиш учун бошланган ҳаракат иштирокчилари – аболиционист деб аталган.	(lat. cancellation) a mass action aimed at the abolition of a law. Participants in the movement, which began at the end of the XVIII century and in the first half of the XIX century in the US to free the Negroes from slavery, were called – the abolitionist.
<b>Автономия</b>	(يونون. autos+nomos-ўзи+қонун); 1. Ягона Давлат миқёсида ҳудудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2. Маъмурий-ҳудудий бирлик; 3. Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи.	(Greek. autos+nomos-self+Law); 1. granting self-government powers to territorial-national structures (region, country) at the level of a single state; 2. Ma Muri - territorial unit; 3. The right to self-government in the activities of some organs (farm, state, party, etc.).
<b>Автономия</b>	(يونون. autos+nomos-ўзи+қонун); 1. Ягона давлат миқёсида ҳудудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2. Маъмурий-ҳудудий бирлик; 3. Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи.	(Greek. autos+nomos-self+Law); 1. Granting self-government powers to territorial-national structures (region, country) at the level of a single state; 2. Ma Muri - territorial unit; 3. The right to self-government in the activities of some organs (farm, state, party, etc.).
<b>Агрегация</b>	(лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари айрим	(lat.) non-governmental and public organizations

	манфаатларни агрегация қилиш, яъни турли мунозаралар ва муҳокамалар воситасида турли манфаатлар уйғунлаштирилади ва улар ўртасида муайян муносабатлар тизимини шакллантиради. Бу жараёнда асосий ва муҳим манфаатлар танлаб олинади уларни қондириш чора ва тадбирлари кўрилади	aggregate certain interests, that is, through various discussions and discussions, different interests are harmonized and a certain system of relations is formed between them. In this process, the main and important interests are selected and measures and measures are taken to satisfy them
<b>Адвокатура</b>	ҳуқуқий институт, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Ўзб.Рес. фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган	the legal institution includes independent, volunteer, professional associations of persons engaged in advisory activities. Your own.Usage provides legal assistance to citizens, foreign citizens, stateless persons, enterprises, institutions, organizations. The law of the Republic of Uzbekistan on advokatura was adopted on December 27, 1996
<b>Адлия</b>	(араб.-адолат)-суд муассасаларининг бутун мажмуини, уларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятини, шунингдек, суд идорасини билдирувчи атама	(Arabic.- Justice) - a term denoting the entire set of judicial institutions, their activities for the implementation of Justice, as well as the judicial office
<b>Алармизм</b>	интеллектуал ва экспертларни бирлаштирувчи замонавий ғоявий оқим. У хавф солаётган глобал	intellekt modern ideological flow uniting professionals and experts. It is a global problem that

	муаммолар – яровий, экологик в.х. – борасида огоҳлантиради	poses a threat-ecological, environmental v.the x. - warn ontiradi
<b>Амнистия</b>	жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлаш. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади	the release of persons guilty of a crime from criminal liability in full or in part, as well as the removal of conviction from persons who have previously passed the sentence established by the court. The amnesty act has a normative nature, that is, it applies to all persons who meet the requirements established by the amnesty act
<b>Анахронизм</b>	(юнон. ана-орқага, chromos-вақт, замон); янглиш ҳолда бир даврдаги воқеа ёки ҳодисаларни бошқасига алмаштириб қўйиш	(Greek. ana-back, chromos-time, time); to replace events or events of one period with another without error
<b>Артикуляция</b>	(лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг тарқоқ қарашлари, ижтимоийруҳий кечинмалари ва умидларини аниқ ва маълумсиёсий мақсадлар ва талабларга айлантиришжараёнини англатади	(lat.) non-governmental and public organizations mean the process of transforming the views, social experiences and expectations of the individ and social groups into clear and informed goals and requirements
<b>Бозор иқтисодиёти</b>	товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун – қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир	it is an economic system that is organized and managed in accordance with the laws of commodity production, turnover and monetary circulation

<b>Бозор механизми</b>	бозор иқтисодиётининг фаолият қилишни тартибга солишни ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалардир	it is the support and tools that ensure the regulation of the functioning of the market economy and the harmonization of economic processes
<b>Ватанпарварлик</b>	Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатадиган инсоний хис-туйғудир. Ватанпарварлик - она-юртнинг, халқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат	Freedom and prosperity of the motherland, inviolability of its borders, self-sacrifice for the protection of its independence, the strength, knowledge and experience for the honor, glory, happiness of the Native people is a human feeling, which symbolizes the most sacred and noble activity in the world as a gift of all life. Patriotism is a virtue inherent in Persons with a deep respect for the history and fate of the native land, people, capable of showing examples of self-sacrifice in the interests of Vatan
<b>Виждон эркинлиги</b>	фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи	the right of citizens to the religion they want or not to any religion
<b>Гуманизм</b>	(инсонпарварлик) – тенглик, адолат, ўзаро ҳурмат, инсон қадрини ардоқлаш, одамлар фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш ғоялари сингдирилган дунёкараш	(humanism) – integrated worldview of ideas of equality, justice, mutual respect, pursuit of human dignity, care for the well-being of people
<b>Демократик институтлар</b>	жамиyat ҳаётида демократик тамойилларни қарор топишга хизмат қиладиган	democratic principle in the life of societyillarni a complex of organizations

	ташкilotлар ва тузилмалар мажмуаси	and structures that serve to find a decision
<b>Диверсификация</b>	лот. diversification – ўзгариш, турли-туманлик, фаолиятни ҳар томонлама турли-туман йўналишларда ривожлантиришга стратегик мўлжал олиш. Масалан, капитални диверсификациялаш – иқтисодий таваккалчиликнинг хавфли оқибатини камайтириш мақсадида капитал маблағларни турли объектлар ўртасида бўлиб-бўлиб жойлаштириш	the lot. diversification-change, diversity, activity in all directions and development in different directions to get a strategic goal. For example, the diversification of capital – the place of capital funds between different objects in order to reduce the dangerous consequences of economic risks

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

61. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

62. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

63. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

64. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

65. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

66. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

67. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

73. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

74. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

75. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

76. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

77. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

78. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

79. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

80. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.

81. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.

82. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.

83. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

84. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

85. Борис Капустин Гражданство и гражданское общество. — М.: “Высшая школа экономики”. 2011. — 224 с.

86. Гулобод Кудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. — Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

87. Д.Дж.Грин Возвращение в гражданское общество: социальное обеспечение без участия государства. — М.: “Новое издательство”. 2008, — 220 с.

88. Джим Л. Коэн, Эндрю Арато Гражданское общество и политическая теория. — М.: “Весь мир”, 2011. — 784 с.



89. Джон Кин Демократия и гражданское общество. – М.: “Прогресс - Традиция”, 2001. – 400 с.

90. Ж.Мавлонов Коммуникативные основы деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации (Монография) - Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. 12 б.т.

91. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktriya press, 2015.

92. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

93. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

94. Ли Кан Ю Из третьего мира - в первый. История Сингапура. 1965-2000. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2016. – 420 с.

95. М.Бекмуродов ва бошқ. Харакатлар стратегияси асосида жадал таракқиёт ва янгилашни сари, – Т.: “Ғофур Ғулом НМИУ”. 2017, - 236 б.

96. Мохаммад Хотами Ислам, диалог и гражданское общество. – М.: “РОССПЭН”. 2001. – 242 с.

97. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услубий қўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.

98. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

99. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО «УрФУ им. первого Президента России Б.Н.Ельцина», Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.  
[http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)

100. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида.  
[https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)

101. Р.Хасанов, А.Ўтамуродов Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (Ўқув қўлланма) – Т.: 2016. 14 б.т.

102. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бугакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.  
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

103. Трудным путём демократии: Процесс государственного управления в США (Перевод с англ. А.Н.Кулик). – М.: “РОССПЭН”, 2006. – 656 с.

104. У.Бўтаев Жамият барқарорлиги: Ўзбекистон тажрибаси. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2017. 11.9 б.т.
105. Уил Кимлика Современная политическая философия. Введение. – М.: “Высшая школа экономики”, 2013. – 585 с.
106. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
107. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти (Ўқув қўлланма) – Т.: “Университет”, 2018. 21 б.т.
108. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. – Т.: “Турон-Замин-Зиё”. 2017. 23 б.т.
109. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти: Гоялар эволюцияси (Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари талқинида). Лотин ёзувида. – Т.: “Адабиёт учкунлари”, 2018. – 96 б.
110. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойихаси – Т.: 2016. Ziyonet.uz Муаллифлар жамоаси.
111. Ҳакимов Н.Х., Садиков А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.

#### **IV. Интернет сайтлар**

112. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
113. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
114. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
115. Открытое образование. <https://openedu.ru/>
116. <https://foxford.ru/wiki/obshchestvoznanie/grazhdanskoe-obshchestvo>
117. <https://www.linguee.com/russian-english/translation>
118. [https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik\\_jamiyati&variant=uz-cyrl](https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik_jamiyati&variant=uz-cyrl)
119. <http://www.uzbekembassy.ir/Development.aspx>
120. <https://icscentre.org/tag/civil-society/>